


П. Ш. ИБРАГИМОВ, Б. Д. АЛЛАШОВ,  
Ш. Б. АМАНТУРДИЕВ

## ҒҰЗА СЕЛЕКЦИЯСИДА МУРАККАБ ДУРАГАЙЛАШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ  
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

**П.Ш.ИБРАГИМОВ, Б.Д.АЛЛАШОВ,  
Ш.Б.АМАНТУРДИЕВ**

**ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИДА МУРАККАБ ДУРАГАЙЛАШ**

Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

“Фан” нашриёти

2010

033.51  
И-14

Монографияда мураккаб дурагайлаш бўйича олиб борилган ишлар шарҳланган, вилтнинг ҳар хил ирқлари билан табиий кучли зарарланган муҳитда синалган оддий ва мураккаб дурагайлаш бўйича тадқиқотлар натижалари баён қилинган ҳамда мураккаб дурагайлаш асосида яратилган айрим навлар тавсифномалари келтирилган. Шунингдек, унда вилтга чидамлилик ва тезпишарлик, тола сифати каби бир қатор қимматли хўжалик белгилари ҳақида маълумотлар берилган ва мураккаб дурагайлашнинг ғўза селекциясида тутган аҳамияти кўрсатилган.

Монография селекционерлар, генетиклар, уруғчилар, кишлоқ хўжалиги ва биология йўналиши бўйича изланиш олиб бораётган тадқиқотчи ва аспирантларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

ЎзР ФА академиги Ж.А.Мусаев

Тақризчилар:

биология фанлари доктори, профессор С-А.Раҳмонқулов,  
биология фанлари доктори Д.Аҳмедов



© Ўзбекистон Республикаси ФА  
«Фан» нашриёти, 2010 йил.

ISBN 978-9943-19-006-1

W

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	4
I. Ўсимликлар селекциясида ҳар хил мураккаб дурагайлашлардан фойдаланиш .....	7
Ўрта толали ғўзада вилтга чидамлилиқ ва тезпишарлик бўйича селекция ишлари таҳлили .....	23
II. $F_1$ диаллел дурагайлари ва навларни бир неча қимматли хўжалиқ белгилар бўйича ўрганиш .....	38
Бир қатор қимматли хўжалиқ белгилар бўйича ўрганилган навларнинг УҚҚ бўйича самарадорлиги .....	63
$F_1$ оддий ва қўш дурагайлари бир неча қимматли хўжалиқ белгилар бўйича доминантлигини ўрганиш .....	65
III. $F_2$ - $F_3$ ажралувчи авлодларда қимматли хўжалиқ белгиларнинг ирсийланиш жараёни .....	76
Белгилар ўртасидаги коррелятив боғлиқликларни ўрганиш .....	90
IV. Янги яратилган селекциявий ашёларнинг тавсифи .....	100
Хулосалар .....	102
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	115

## КИРИШ

Ер куррасида инсониятнинг бетўхтов ўсиб бориши ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари истеъмол даражасининг юқори бўлиши туфайли қишлоқ хўжалиги соҳасида суғориладиган ер унумдорлигини оширишнинг янги йўллари ни излашни тақозо этади.

Ўза инсоният учун ҳаётини муҳим қишлоқ хўжалик экинларидан биридир, чунки пахтачиликнинг маҳсулоти – тола ва уруғлари ниҳоятда кўп иккиламчи ашёни беради. Ўза ҳосилдорлигини ошириш жуда мураккаб вазифа бўлиб, уни ҳал этиш учун мажмуий ёндашув талаб этилади. Ушбу экинни етиштириш ареалига қараб бу муаммо турли йўллар билан ҳал қилинади.

Ўзбекистон дунё пахтачилигида энг шимолий пахта етиштирувчи давлат бўлиб, пахтачилик маҳсулоти ҳосилдорлигини ошириш ишларида зарурият сезади.

Ўза селекциясида муҳим муаммолардан бири ўсимлик генотипида мавжуд бўлган салбий корреляцияларни бартараф қилишдир. Яъни, бу тезпишарлик, вилтга чидамлилик ва юқори сифатли тола каби белгилардир. Бир қатор тадқиқотчилар (Б.Кристидис ва Д.Ж.Гаррисон, 1959; В.А.Автономов, В.С.Рыстаков, 1982; В.А.Автономов, 1992; П.Ш.Ибрагимов ва бошқалар, 2002; П.В.Попов, 2002; П.В.Попов, Д.М.Даминова, 2005; В.А.Автономов, 2005; М.М.Джумашев ва бошқалар, 2005; Р.Г.Ким, 2005; Намозов, 2005) тезпишарлик, тола сифати ва касалликларга чидамлилик белгилари ўртасида салбий корреляция бўлишини қайд этадилар. Дунёдаги пахта етиштирадиган кўпгина давлатларда кўплаб олимларнинг олиб борган селекция ишлари натижасида ушбу салбий корреляцияларни бузиш ва қимматли хўжалик белгиларнинг юқори кўрсаткичларини бир генотипга мослаб йиғиш мумкинлиги исботланган (Н.Г.Симонгулян, 1977; Х.Аҳмедов ва бошқалар, 2005).

Бундай салбий корреляцияларни бузишнинг жуда кўп усуллари бор: дурагайлашнинг турли усуллари, бошланғич ашё танлаш, мутагенез ва биотехнология усуллари. Ғўза селекциясидаги энг оммавий усул дурагайлашдир.

Энг кўп ишлатиладиган дурагайлаш усуллари: улар оддий чатиштириш, беккросс усуллари, шунингдек, кўп поғонали тўйинтирувчи чатиштиришлардан иборат. Ғўзанинг янги навларига нисбатан ҳозирги давр юқори замонавий талабларни ҳисобга олиб, ажралувчи авлодларда ўзгарувчанлик диапазонини кенгайтириш усуллари топиш зарурат ҳисобланади. Кўш дурагай чатиштириш усули кўпгина қишлоқ хўжалик экинларида, шунингдек ғўзада синовдан ўтган (А.Д.Дадабоев, 1960; А.Худайкулиев, 1976; Ю.П.Хуторной, 1977; А.Э.Эгамбердиев, 1979; В.А.Кравченко, 1987,1990; Sh.N.Kadara, 1989; П.Ш.Ибрагимов, А.Б.Амантурдиев, К.Ахмедов, 1991; Қ.А.Тешабоев, 1992; Ш.Б.Амантурдиев, 1994, 1995; Абдуль Джалиль Хасан Муҳаммед Аль Харани, 1995; П.Ш.Ибрагимов, Ш.Б.Амантурдиев, 1996; Ш.Э.Намозов ва бошқалар, 2003; А.Р.Сиддиқов, 2003; Г.Р.Холмурадова ва бошқалар, 2005). Бунда  $F_1$  кўш дурагайларида ҳосилдорлик бўйича юқори ижобий гетерозис кузатилади, селекция учун энг муҳими,  $F_2$  авлодда трансгрессив генотипларнинг миқдори кескин ортади. Ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичлари ва вилтга чидамлилиқ билан боғлаш учун бундай тадқиқотлар вертициллиум замбуруғининг ҳар хил ирқлари билан кучли зарарланган провокацион муҳитда ўтказиш лозим.

Маълумки, вертициллиум замбуруғининг янги ирқлари доимий равишда пайдо бўлиб туради. Ҳар қандай янги яратилган вилтга чидамли нав ҳам вақт ўтиб вилтнинг янги ирқи билан касаллана бошлайди. Шунинг учун ғўзанинг вилтга чидамли навларини яратиш тозасидан селекция ишлари доимий олиб борилиши лозим. Чунки кучли зарарланган муҳитда вилтга чидамлилиқ бўйича селекция ишларини олиб бориш маълум ютуқларни беради, натижада ўсимликларнинг вилтнинг пайдо бўлиши ўчоғида синалиши янги навнинг катта майдонларда чидамлилиги учун асос бўлади. Ваҳо-

ланки янги пайдо бўлган ирқлар бир неча йил давомида катта майдонларда тез тарқалиб кетади. Вертициллиум замбуруғларининг янги ирқларини пайдо бўлиши ҳақида олимлардан (Т.Х.Холжўжаев, 1972; Н.Н.Гусева ва бошқалар, 1982; А.Марупов, 1987,1990; И.С.Урунов, 1990; А.Марупов, 1993, 2003; Р.Г.Ким 2005; Р.Г.Ким, А.Марупов 2005; П.Ш.Ибрагимов ва бошқалар, 2006) маълумот берганлар.

Вўзада кўш дурагайлаш бўйича тадқиқотлар ХХ асрнинг 90-йилларида бошланган ва юқори гетерозисли дурагай жуфтликлар яратишда қўлланилган. Бизнинг тадқиқотларимиз ажралувчи генерацияларда белгиларнинг ўзгарувчанлик даражаларини кенгайтириш учун ва кучли зарарланган вилтли муҳитда қимматли трансгрессив оилаларни танлаб олишга қаратилган.

## I. ЎСИМЛИКЛАР СЕЛЕКЦИЯСИДА ҲАР ХИЛ МУРАККАБ ДУРАГАЙЛАШЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Маълумки, ўсимликлар селекциясида яхши муваффақиятларга эришишда белгиларнинг генетик ўзгарувчанликларини ҳисобга олган ҳолда чатиштиришлар услубини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Чатиштиришлар услубини тўғри танлаш эса селекционерлар томонидан қўлланилаётган бошланғич ота-оналик шакллар юқори ижобий белгиларни ўзида мужассам этган, кўнгилдагидек комбинациялар ола билишга боғлиқ ҳисобланади.

Чатиштиришнинг турли йўллари мавжуд: топкросс, беккросс, диаллель ва бошқалар. Олимлардан В.Ж.Науман (1954, 1958) ва J.L. Jinks (1954) лар диаллель таҳлил услубини ишлаб чиққанлар, улар томонидан таҳлил этилган шаклларнинг генетик хусусиятлари тўғрисида батафсил маълумот олиш, сифат белгиларини назорат қилувчи генларнинг аддитив самараси, доминантлаш даражаси ва йўналишини, гетерозисни белгилаб берувчи доминант ва рецессив генларнинг ўзаро таъсири самарасининг нисбий аҳамиятини аниқлашга имкон беради.

Дурагайлаш усулини танлаш шунга боғлиқ-ки, селекционерлар учун танлаб олинаётган бошланғич ота-она шакллари янги навлар яратишда қанчалик фойдали белгиларни ўтказишига боғлиқ. Махсус чатиштириш ишлари олиб боришда, дурагайларни синашда ва комбинацион қобилиятларини аниқлашда анча вақт, куч ва иш ҳажмини камайишига сабаб бўлади. Бунда диаллель чатиштиришдагига нисбатан аниқлик сезиларсиз даражада камаяди (В.К.Савченко, 1984). Генотипларни баҳолашда комбинацион қобилиятини аниқлаш учун қаратилган диаллель чатиштиришдан ташқари топкросс, сетпросс ва номунтазам назорат қилинувчи чатиштиришлар мавжуд.

G.S.Chahal, T.H.Singh (1978) каби олимлар Ҳиндистон Пан-

жоб университетида топкросс ва диаллель таҳлили усуллари нисбий таҳлил қилиб, диаллель таҳлили генларнинг ўзаро таъсирининг хусусияти ҳақида қимматлироқ ахборот беришини аниқлаганлар. Диаллель таҳлилни миқдорий белгиларни генетик таҳлил қилишнинг энг мукамал усулларида бири деб ҳисоблаш мумкин.

Чатиштиришнинг турли (оддий ва мураккаб) усуллари мавжуд. Селекцияда, шунингдек, мураккаб чатиштиришларнинг ҳар хил усуллари бўлиб, улардан бири қўш дурагайлаш усулидир ( $A \times B$ )  $\times$  ( $C \times D$ ). Бунда биринчи ёки ундан юқори авлодларнинг дурагайлари ўзаро чатиштирилади. Ушбу усул илк бора D.F. Jones (1958) томонидан маккажўхорининг дурагай навларини олиш учун таклиф қилинган. Қўш дурагайлашлар оддий дурагайлар ва тизмаларнинг генотипларига қараганда ўзгарувчанликнинг спектри кенгрок бўлган генотипга эга, лекин ушбу ўзгарувчанлик кўпинча яратилган дурагайларга юқори мослашувчанлик ва пластиклик бериши аниқланган (Ф.Н.Бриггс, П.Хоулз, 1976).

Дурагайлараро қўш дурагай чатиштиришлар усули ўзгарувчанликнинг катта спектрини олишга имкон беради, бу эса трансгрессив шаклларининг катта миқдорини ажралишига кўмаклашади.

А.Б. Король ва бошқалар (1990) мураккаб дурагайларнинг авлодида шакл ҳосил бўлиш жараёнини ўрганганлар. Уларнинг қайд этишича, генетик ўзгаришлар икки турга бўлинади: - айрим белгилар бўйича трансгрессия, бунда ажралувчи генерацияларда белгилар қийматларининг диапазони ота-она шаклларининг тегишли диапазонидан устунлик қилади; - ўз вақтида янги белгиларнинг пайдо бўлиши, яъни аномал ўзгарувчанлик юз беради.

Кўпгина қишлоқ хўжалик экинларида қўш дурагайлаш усулининг самарадорлиги илмий адабиётларда кенг муҳокама қилинган.

Р.А. Уразалиев (1974), Р. Баева, Ю. Стойкова, И.Васильева-лар (1984)  $F_1$  дурагайларнинг қўш дурагайлаш усули тритикаленинг қисқа пояли навларини етиштиришнинг энг самарали усулидир, деб ҳисоблайдилар.

А. Vranceau, F. Stoenescu (1974) лар кунгабокар кўш дурагайларининг генетик гетерозиготлиги касалликларга чидамлик бўйича селекцияда популяциялардаги ижобий генларнинг кенгрок спектрини олишга имкон бериши ҳақида ёзганлар. Уларнинг тадқиқотларида кунгабоқарнинг кўш дурагайлари оддий дурагайлар ва ўзидан чангланган тизмаларга нисбатан яхшироқ натижалар берган.

Г.С. Степановнинг (1975) ёзишича, мураккаб дурагайлар каноп селекциясида гетерозис самарасидан амалда фойдаланишнинг муаммосини ижобий ҳал этишга имкон беради.

Ўзидан чанглатилган тизмалар селекциясида оддий дурагайлар доимо ижобий натижалар беравермайди, шунинг учун ушбу йўналишда кўш дурагайлаш усулидан фойдаланиш афзалроқ. Кўш дурагайлашда иккита нав эмас, тўртта нав чаптирилади ва тўртта ота-оналик шаклларида хар бири дурагайга ўзининг ирсий ашёсининг 25 фоизини беради ва оддий дурагайдаги  $F_2$  га қараганда кўш дурагай  $F_2$  да фойдали генларнинг намоён бўлиши ортади. Бу, айниқса, чаптиришда салбий белгилар гуруҳи бўлган ота-оналик шакллари иштирок этган ҳолда кўринади. Шунинг учун, J. Sheep (1977) фикрича, дурагайлараро чаптиришларнинг усулини 10 тадан ортик фойдали аллелларнинг бирикмаси учун қўллаш мумкин эмас, чунки уларнинг катта қисмида йўқолиш хавфи бўлади.

Ю.К. Кобелев (1982) ўз тадқиқотларида маккажўхорининг тизмалараро кўш дурагайларини ўрганган ва шу асосда маккажўхорининг кўш дурагайлари юқори ҳосилдорлик, экологик пластиклиги ва уруғчиликнинг барча бўғимларида уруғнинг рентабелли ишлаб чиқариши билан ажралиб туради, деб ёзади.

К.З. Будин (1987) тадқиқотларида картошканинг бир нечта ёввойи турлари маҳаллий навлари билан мураккаб дурагайлашга жалб қилинган. Бунда ёввойи турлардаги патогенларга ва экстремал омилларга чидамлилигини назорат қилувчи генларнинг селекция навларига интрогрессияси амалга оширилган. У шундай мураккаб чаптиришлар усули орқали турли касалликларга чидамлилиги ва юқори ҳосилдорлиги билан ажралиб турган картошканинг янги навларини яратди.

Г.В.Пустовойт (1987), В.М.Конечный ва бошқалар. (1987), Н.В.Дорошенко (1989), Л.А.Бурденюк (1989), А.З.Латипова ва бошқалар (1992) кўш дурагайлаш усули билан занг касаллигига, ун шудринг, илдиз чириши ва септориозга чидамли бўлган кузги буғдойнинг кўш дурагайларини яратганлар.

А.В. Фаловский (1987) беда устида тадқиқотлар ўтказган. У шу усулда, яъни мураккаб 4-5 компонентли дурагайлардан фойдаланиб, ҳосилдорлигига кўра стандарт навидан 25-30 фоиз устунроқ бўлган янги навларни яратган.

В.А. Кравченко (1987, 1990) помидорларда тезпишар ва генетик турли-туман шаклларини олиш учун дурагайлараро чатиштиришлар бўйича кўп йиллик тадқиқотлар ўтказган. У оддий  $F_1$  чатиштиришлардан фаркли равишда  $F_1$  ва  $F_2$  мураккаб дурагайларда асосий кўрсаткичларнинг текислашганлигини қайд этган. У кўш дурагайлаш натижасида шаклларнинг турли-туманлиги ва унча мураккаб бўлмаган дурагайларга хос бўлган керакли рецессив белгиларнинг энг турли-туманлиги олинганлигини қайд этган, бунда керакли  $F_1$  фенотипларининг сонини чатиштириш учун навларни мақсадли танлаш йўли билан бошқариб туриш мумкин.

В. Епихов, Е.П.Прониналар (1988) нўхатда кўш чатиштиришлар ўтказганлар.  $F_2$  ва  $F_3$  дурагайларни ўрганишда улар оддий дурагайларга қараганда кўш дурагайларда ҳосилдор тизмаларнинг чиқиши кўпроқ, лекин дуккакдаги уруғлар сонига кўра улар бир хил эканлигини аниқлаганлар.

Р.К.Важай, К.С.Важай (1989), R.Bernardo, G.Jonson, I.Dudley (1989), R.B.Srivasova, R.S.Poroda, S.C.Sharma (1989) ғалла экинлари ва маккажўхорида иккинчи ва кейинги авлод комбинациялари, комбинациялараро ва ичида қайта чангланишни ўтказганлар. Улар  $F_2 \times F_2$ ,  $F_3 \times F_3$  оддий чатиштириш усулининг афзаллиги ҳосил ва унинг компонентларига кўра генетик турли-туманлигини оширишда, деб ҳисоблайди. Айрим белгилар ифодаланишидаги энг катта таъсири ушбу белгилар кучли ифодаланган ўсимликлар чатиштирилганда кузатилган. Дурагайлар ичидаги чатиштириш кейинги авлодларда қимматли ноёб рекомбинантлар ортишига ёрдам беради.

В.П. Сытник ва М.И. Логиновлар (1989) канопнинг мураккаб қўш дурагайлари ҳосилдорлик бўйича яхши натижалар бериб, ота-она шаклларидан устун бўлишини аниқладилар. Улар қўш дурагайлардан кўпроқ аъло тизмаларни ажратиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Р.К. Rana, К.Д. Sehrawa, Karwasgrass (1990) тўртта ота-ондан олинган бугдой популяцияларида саккизта навларнинг мураккаб частиштиришларига қараганда занг касаллигига чидамли ўсимликлар кўпроқ учрайди, деб айтадилар.

Г.Ф. Манакос, А.А. Лепенина (1992) оқ бошли карам селекцияси устида ишлаганлар. Улар кечки оқ бошли карам селекцияси тўртта F<sub>1</sub> тизмали дурагайлари яратишга асосланади, деб таъкидлайдилар. Бунда ота-она жуфтларини танлашда хўжалик жиҳатидан кимматли белгиларнинг биологик хусусиятлари ва келиб чиқишига кўра шерикларнинг турли сифатли бўлиши тамойилидан фойдаланиш юқори самара бериши аниқланган.

Ўза селекциясида қўш дурагайлаш усулини Л.В. Румшевич (1935, 1939), Л.А. Туркс (1959), В.Г. Кулебаев (1960), А.Д. Дадабоев (1960, 1962), Д.Б. Бабаев (1975, 1989), А. Худайкулиев (1976), Ю.П. Хуторной (1977), Қ.А. Тешабоев (1992), Ш.Н. Кадапа, А.Э. Эгамбердиев, Э.Ю. Хўжа-Аҳмедов (1992), Ш.Б. Амантурдиев (1994, 1995), П.Ш. Ибрагимов, Ш.Б. Амантурдиев (1996), Ш.Э. Намозов, А.Э. Эгамбердиев, А.Р. Сиддиқов (2003), А.Р. Сиддиқов (2003, 2009), Г.Р. Холмурдова (2005) каби олимлар қўллаганлар.

А.Д. Дадабоев (1960) ушбу усулни узок вақт олса-да, маълум афзалликларга эга эканлигини кўрсатган. Иккита оддий дурагайларнинг частиштирилиши туфайли ниҳоятда бой насли ашё ҳосил бўлади.

В.Г. Кулебаев (1960), шунингдек, қўш дурагайлар авлодида катта турли-туман ашё бериб, унда мутлақо янги белгилари бўлган ўсимликлар ажралиб чиқишини қайд этган.

В.М. Бочарова (1970) қўш дурагай комбинацияларини уларнинг бошланғич шакллари бўлмиш оддий дурагай комбинациялар ва навлар билан биргаликда ўрганган. Муаллиф F<sub>1</sub> даги қўш дурагайлашда тезпишарлик, ҳосилдорлик ва унинг

компонентлари оддий дурагайлардаги каби оралиқ наслдан-наслга ўтиш хусусиятига эга бўлиши ёки бошланғич ота-она шаклларининг юқорироқ кўрсаткичлари бўйича шаклланишини қайд этган. Оддий чатиштиришларда юқори гетерозис берувчи навлар мураккаб чатиштиришларда уни такрорлайди, лекин кўрсаткичлари озгина пастроқ бўлади.  $F_1$  мураккаб дурагайларида оддий дурагайларга қараганда тола узунлигининг наслдан-наслга ўтиши бошланғич шаклларининг бирикмасига қараб ўзгаради. Б.А. Бекбанов ҳам шунга ўхшаш хулосаларга келган (1981).

Д.Б.Бабаев (1975)  $F_1$  қўш дурагайларидан босқичма-босқич дурагайлашда ота-она шакллари сифатида кенг фойдаланган. Шу йўл билан муаллиф тезпишарлик, тола чиқими ва сифати каби белгилари бўйича яхши кўрсаткичларга эга бўлган Ашхабад-11, 58, 91, 100 навларини яратган.

S.F.Amalraj, A.Krishman, N.Gopala (1986) иккита  $F_1$  дурагайларини чатиштириш орқали  $F_2$  да ўрта толали гўза гулдонларининг ҳар хил (безсиз, ширадонсиз) шакллари ажратганлар. Бу шакллар мураккаб дурагайнинг ота-оналаридан бири бўлган нав билан кўп марта такрорий чатиштирилган. Мураккаб қўш дурагайларнинг  $F_4$  оилалари ичида маҳаллий андоза навидан ҳосилдорлиги, толанинг пишиқлиги ва уруғларнинг мойдорлиги юзасидан устун бўлган оилалар ажратиб олинган.

1989 йилда Sh.N. Kadara Ҳиндистон Дарвард университетида  $F_1$  дурагайлараро чатиштиришлар усули билан янги, ихчам, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига чидамли, толаси юқори сифатли бўлган, Ҳиндистон шароитида тижорат навларидан ҳосилдорлиги бўйича 10% ва ундан ортиқроқ устун бўлган навларни яратган. У маҳаллийлашган навлардан ҳосилига қўра 70-200 % устун бўлган навларни яратиш учун  $F_1$  дурагайларининг композитли чатиштириш усулидан фойдаланишни таклиф этади.

Қ.А. Тешабоев (1992) қўш дурагайларда яхши натижаларга эришиш учун ота-она навларини танлаш катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этади. Масалан, ҳосилдорлик, тезпишарлик, кўсақлар йириклиги, толанинг юқори чиқиши ва

узунлиги, шунингдек, вилтга чидамлилиги каби белгиларни муваффақиятли ўзида мужассам этган навлар ва тизмаларни яратишда дурагайлаш учун маҳаллий тезпишар навларни ва бошқа жойлардаги кечпишар, лекин кўсаги йирик навларни, дурагай вилтга чидамли бўлиши учун ғўзанинг ёввойи ва ярим ёввойи шакллари танилаган.

Абдуль Джалиль Хасан Муҳаммед Аль Харани (1995) кўш дурагай ( $F_1 \times F_1$ ) доминантлаш ва гетерозиснинг юқори даражаси бўлган мураккаб дурагайларни олиш учун юқори гетерозиготали чангнинг қимматли манбаи бўлади, деб ҳисоблаган. Муаллиф кўш дурагай вилтга чидамлилиги, тезпишарлиги ва ҳосилдорлиги юзасидан оддий дурагайдан устун бўлиши ва кўш дурагайлаш усули белгиларнинг юқори экспрессиясини таъминлай олишини исботлаган.

Мураккаб турлар ичи ва турлараро, геномлараро, полигеном дурагайлаш усулининг самарадорлиги ҳақида Д.Б.Бабаев (1976), Д.Ергабулов, А.В.Березняковская [1981], В.А.Кравченко [1990], М.М.Киктев [1992], А.Э.Эгамбердиев ва бошқалар [1992], А.А.Кидирбаева [1992], С.М.Ризаева, А.Мадалиев, З.Эрназарова, Ф.Гараева. [1992], Х.Аҳмедов, А.А.Азимов, З.М.Раҳимова [1992], А.Э.Эгамбердиев, А.И.Алиев, С.В.Григорьев, Х.Матякубов [1992, 1993, 1995]; А.Б.Амантурдиев ва бошқалар [1993], Ш.Э.Намозов [1996,], Ш.Б.Амантурдиев [1998], П.Ш.Ибрагимов [2003], З.Курязов, С.М.Ризаева ва бошқалар [2006] айтиб ўтган эдилар.

П.Ш.Ибрагимов, Ш.Б.Амантурдиев (1996) ковариацион таҳлил усули билан ингичка толали АШ-25, АШ-32, 9647-И навлари ва уларнинг дурагайларида генетик, фенотипик ва паратипик корреляцияларни аниқлаганлар. Муаллифлар тола узунлиги билан тола чиқими ва ҳосилдорлик ўртасида мавжуд бўлмаган корреляция бор эканлигини исботлаганлар. Ш.Б.Амантурдиев (1994, 1995) ингичка толали ғўзанинг кўш монодурагай популяцияларини ўрганиб, толанинг узунлиги ва чиқими ўртасидаги анъанавий кучсиз салбий корреляция бузилишини қайд этган.

А.Р.Сиддиқовнинг (2003) тадқиқотларида маҳаллий (С-9070, С-2609, С-6530, Наманган-77, Омад) ва чет эл (Sikala,

Siokra) навлари иштирок этган оддий ва кўш дурагайларнинг самараси ўрганилган. У частиштиришларнинг бирикмасига қараб  $F_1$  ва  $F_2$  оддий дурагайларида ўсимликлар тезпишарлиги ўта доминантлаш, тўлик доминантлаш ёки оралик хусусияти турига кўра наслга ўтиши, чет эл навлари иштирок этган  $F_1$  кўш дурагайларида эса бу белги тўлик доминантлаш билан наслга ўтишини қайд этган. Муаллиф кўш дурагайларда бошқа селекция учун қимматли белгилар, масалан, кўсаклар сони, бир кўсакдаги пахта вазни, вилтга чидамлилиқ бўйича ҳам яхши натижаларни олган.

Ш.Э.Намозов, А.Э.Эгамбердиев, А.Р.Сиддиқовларнинг (2003) тадқиқотларида юқори гетерозиготали мураккаб дурагайларни олиш учун оталиқ шакли сифатида кўш дурагайлар қўлланган. Улар ўсимликнинг тезпишарлиги, кўсакларнинг йириклиги бўйича, 1000 дона чигит вазни, кўсакларнинг сони бўйича, тола чиқиши ва узунлиги бўйича комбинацион қобилятларни ўрганганлар. Барча ушбу ўрганилган белгилар бўйича улар комбинацион қобиляти юзасидан олинган ижобий натижаларни мураккаб дурагайлар юқори гетерозисини олиш учун яхши манба эканлигини қайд этганлар.

Г.Р.Холмурадова, А.М.Муратов, Ш.Э.Намозов, С.А.Раҳмонқулов, В.Рыстаков (2005) тадқиқотларида оддий ва дурагайлараро частиштириш орқали олинган дурагайларда тезпишарлик ва вилтга чидамлилиқ белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини нисбий ўрганиш келтирилган. Бошланғич шакллари сифатида С-6532, С-9070, С-4911, Қирғиз-3, Оқдарё-6, Юлдуз ва Тошкент-6 навлари, бу навларнинг иштирокида олинган оддий дурагайлар фойдаланилган. Улар томонидан олинган таҳлиллардан маълум бўлишича бошланғич шакллари ичида вилт билан энг кучли шикастланиш С-4727 (24.0%), Юлдуз (10.8%), ва С-6532 (10.2%) навларида, энг кам даражаси эса Қирғиз-3 (3.9%), ва Тошкент-6 (4.0%) навларида қайд этилган. Нисбатан бардошли Қирғиз-3 ва Тошкент-6 навлари иштирокида олинган оддий дурагайлари вилтга юқори чидамлилиги билан ажралиб турган (С-4727 х Тошкент-6 дан ташқари, бу ерда кучли даражада шикастланиш 36.9% ни ташкил этган). Мураккаб дурагайлар-

нинг вилтга чидамлилиги бўйича маълумотлар  $F_1$  (Қирғиз-3 х Тошкент-6) х  $F_1$  (Оқдарё-6 х Тошкент-6) бирикмасидан ташқари деярли барча навлари ҳам умумий, ҳам кучли даражасида вилт билан касалланмаганлигини кўрсатди.

П.Ш.Ибрагимов (2006) ғўзада дурагайларамо чатиштиришларда белгилар ўртасидаги одатдаги корреляция бузилади, бу эса рекомбинация фоизи ортишидан далолат беради, деб қайд этади.

Шундай қилиб, қўш дурагайлашнинг афзаллигини ҳисобга олган ҳолда бу йўналишда тадқиқотлар Республикамизда: Ғўза селекцияси ва уруғчилиги институтида, Ўсимликлар генетикаси ва экспериментал биологияси институтида ва “Пахта” ИИЧБ да олиб борилади, бу ерда дурагайларамо чатиштиришлар йўли билан ғўзанинг вилтга чидамли навларини олиш имкониятини ошириш мумкин, айна пайтда улар ушбу йўналишда селекция учун қимматли ашё бўлиб хизмат қила олади.

Ғўза селекциясида, шунингдек, компонентли чатиштириш усули ҳам кенг қўлланади. Ушбу усул айниқса ўртача толали ғўзанинг экологик узоқ дурагайлашида, Ф.В.Войтенок [1970, 1971, 1973, 1976], А.Н.Трибунский, А.В.Ким [1968, 1973, 1989] тадқиқотларида кенг қўлланган. Улар ота-она шакллари сифатида дурагай 06422 х Аcala 4-42 ва даладаги вилтга чидамлилиги бўлган маҳаллий навлардан фойдаланганлар. Ғўзанинг узоқ дурагайлаши ва янги донорларни олиш устида тадқиқот олиб борганлар.

А.А.Автономов [1973] *G.peruvianum* (0876) х 35-1 х 243 компонентли чатиштиришлардан фойдаланиш ва дурагай авлодида ушбу бирикмани танлаб олиш йўли билан тезпишарлик ва қўсакнинг қатга вазнини ўзида мужассам этган бир қатор тизмаларни синтез қилди. Кейинчалик ушбу тизмалар 2836 ва 2850 навлари шаклида ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Ўрта толали ғўзанинг селекциясида юқори сифатли толаси бўлган навларни яратиш учун компонентли чатиштиришларда охириги ота-она шакли сифатида IV типли толали тижорат навлари бўлиши лозимлиги таъкидланган [Т.Х.Холхўжаев, 1972]. Олимнинг фикрича IV тип тола сифатини, толанинг

юқори чикимини ўзида мужассам этган навларни яратишда компонентли чатиштиришлар ёрдамида энг кучли таъсирга эришилади. Масалан,  $F_3$  (Тошкент-6 х С-6524) х С-9063 чатиштиришида олим Оккўрғон-2,3,4,5,6 навларининг аждоди бўлган қимматли селекциявий ашёларни олишга муваффақ бўлган.

Компонентли чатиштиришлар усули Ашхабад-69, 9943-И, 9939-И, 9926-И, Сурхон-6 навларини яратган Р.Бердимуратов, Т.Акмурадов [1989], М.И.Иксанов, Ю.П.Хуторнойлар [1982] томонидан муваффақиятли қўлланган.

Ўза селекциясида иккита навнинг чатиштирилишидан олинган нав ота-оналардан бири ёки янги нав билан такрорий чатиштирилган босқичли чатиштиришлар орқали яратилганлиги алоҳида аҳамиятга эга (Н.Г.Симонгулян, 1986).

Кўпгина тадқиқотчилар ўзанинг қимматли бошланғич ашёсини яратиш учун босқичли дурагайлаш усулининг самардорлигини қайд этганлар [Д.В. Тер-Аванесян, 1964, 1968, 1993; Д.Б.Бабаев, 1975, 1976, 1989; Д.Ергабулов, А.В.Березняковский, 1981, Узаков Ю.Ф, Ким Р.Г, 1981]. Босқичли дурагайлаш усули 2-3 та эмас, балки зарурат юзага келганда 4 та ва ундан ортиқ ота-она шаклларида олинган белгилари бўлган бошланғич ашёни яратиш мақсадида қўлланади.

В.С.Рыстаковнинг [1972] фикрича, босқичли дурагайлаш усули буниг учун жалб этилган ота-она навларидан олинган дурагайларнинг белгилари ўзгарувчанлиги оралиғини анча кенгайтиришга имкон беради ва шу билан танлашни амалга ошириш учун керакли ўзгарувчанлик спектри тўпламининг тўлдиришга имкон беради. Беккросслаш орқали шакл ҳосил қилиш жараёнини керакли йўналишда тезлаштириш ва селекция учун янги бошланғич ашё олиш мумкин бўлади.

Маълумотларига кўра, турлараро дурагайнинг  $F_1$  ва  $F_2$  ўсимликлари қимматли хўжалик белгиларининг кўпчилиги бўйича қайта чатиштиришнинг ижобий таъсири  $F_2$  да ҳам сақланади, бу ерда белгиларнинг наслга ўтишининг оралик хусусияти кузатилади. Лекин, тезпишарлиги, ҳосилдорлиги ва кўсакнинг йириклигининг ўртача кўрсаткичлари бўйича маданий тетраплоид ўзалар томонига сезиларли оғиш куза-


тилади, толанинг чиқиши ва узунлигини яхшиловчи навнинг кўрсаткичларига яқин ёки тенг бўлади. У қайта чагиштиришда қўлланадиган  $F_1$  ва  $F_2$  турлараро дурагайларнинг гетерогенлиги асосида олинган беккросс-авлоди юқори генетик ўзгарувчанлиги билан ажралиб туришини қайд этган. Шунинг учун, морфобиологик ва қимматли хўжалик белгилар юзасидан танлашни беккросс-дурагайларнинг биринчи авлодидан олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Беккросс-дурагайларнинг биринчи авлодидан танлашнинг мақсадга мувофиқлигини айрим янги ҳосилаларнинг наслий ўзгарувчанлиги ҳам тасдиқлайди, бунда  $F_1 V_1$  да танлаб олинган у ёки бу белгининг трансгрессив ифодаланиши бўлган ўсимликларнинг ажралувчи авлодида ушбу белги  $F_2 V_2$  даги ўсимликларнинг асосий қисмида ҳам сақлаб қолинади. Лекин, муаллиф фикрича, босқичли дурагайлаш усули дурагайларга белгиларнинг кераксиз ўзгарувчанлиги спектрини ҳам қисман ўтказди. Шу сабабли босқичли дурагайлаш учун ота-она шакллари оқилона танлаш лозимлигини кўрсатади, унинг ҳар бир муайян ҳолатини тажриба орқали аниқлаш лозим.

Ғўза селекциясида босқичли дурагайлашдан фойдаланиш орқали гуруҳнинг Тошкент-1,2,3 ва 6 бетакрор навлари яратилган [С.М.Мираҳмедов, 1974].

Босқичли мураккаб дурагайлашда географик узоқ ва турлараро дурагайлашни биргаликда қўллаш Д.Б. Бабаевга [1976] толанинг юқори сифати, чиқими, тезпишарлиги ва ҳосилдорлиги мужассам бўлган бой бошланғич ашёни яратишга имкон берди. Р.Г.Ким [1987] узоқ турлараро ва турлар ичидаги  $F_1-F_3$  дурагайларда вилтга чидамлилиқ ва тезпишарликнинг ўзаро боғланишини ўсимликнинг зарарланганлиги даражаси (балл), бошланғич шакллариининг барқарорлиги генотипи, юқумли фон ва ҳосил шохларнинг турига боғлиқ ҳолда ўрганган. В.Рыстаков ва бошқалар [2002] босқичли дурагайлаш усули танланган ота-она шакллари генетик дивергент генотипларга эга бўлганда қимматли бошланғич ашё олиш учун фойдали бўлиши мумкинлигини қайд этган.

Ғўза селекциясида қайта чагиштиришлар ёки беккросслар кенг қўлланади, улар икки ҳолда [Н.Г.Симонгулян, 1985]:



- турлараро дурагайларнинг биринчи авлоди бепуштлигини энгиб ўтиш учун;

- ғўза навларини уларда етишмайдиган айрим белгилари бўйича яхшилаш учун.

Ќўза селекциясида беккросс чатиштиришларни қўллаш турлараро дурагайлашда ёки чатиштиришда ота-оналардан бири мутлақо кераксиз белгиларга эга бўлганда зарур бўлади. Чатиштиришда ҳосилдорлиги паст навлар иштирок этганда ҳосилдор нав билан бир нечта беккросслар қўлланади.

Ўрта толали ғўза селекциясида қайта чатиштириш усули энг кўп қўлланган, унинг самарадорлиги С.М.Мираҳмедов [1974] томонидан кўрсатилган. Беккросс чатиштиришларнинг самарадорлигини П.В.Попов [1971] ва Қ.А.Тешабоев [1992]лар тасдиқлаганлар, улар навлараро дурагайларни *spp. punctatum* нинг ярим ёввойи тури билан (№ 05152 каталог рақами) такрорий чатиштиришлар орқали тезпишар ва вилтга чидамли С-9065 ва С-4909 навларини яратганлар.

Хитой тадқиқотчилари 80-йиллар охиридан бошлаб янги-ланган беккроссни қўллай бошлаганлар, у моҳиятига кўра мураккаб чатиштириш турларидан биридир. Ушбу усул дурагай тизмалари билан чатиштириладиган ота-она шакллари-нинг кўп сонини ўз ичига олиши ва ота-оналарнинг донорлик хусусиятларини рекуррент навларга ўтказишга самарали ёндашув ҳисобланади.

Диплоид ва тетраплоид ғўзанинг турли бирикмаларида биринчи авлод дурагайларини чатиштириш орқали олинган икки, уч ва тўртта мураккаб дурагайларни морфологик ва цитологик ўрганиш ягона генотипда селекция жихатидан фойдали турлича ген ва геномларнинг бирикиши ҳақидаги тахминни олға суриш имконини берди [П.Ш.Ибрагимов, 2003].

Адабиётларда ёзилишича, қайта ва мураккаб чатиштириш самарадорлигини машҳур олимлар J. V.Harrington [1952], F.N.Briggs, ва R.W. Allard [1953], J.Mac Key, [1962], J.Sheep [1977], J.Sheep, B.R.Murty, ва H.F.Utz, [1979] қайд этганлар.

Қишлоқ хўжалик экинлари селекциясида энг истиқболли усуллар мураккаб чатиштиришларнинг ҳар хил турлари, яъни  $F_1$  ёки  $F_2$  орасидаги дурагайлараро чатиштириш ҳисобланади.

Бу усул дурагайли организмда бир нечта ота-она шакллари-нинг яхши белгиларини йиғиш мақсадида қўлланади. Ушбу усулдан фойдаланишда, муваффақият кўп даражада дурагай-ли популяцияларнинг хажмига боғлиқ бўлади.

Мураккаб дурагайлараро чагиштиришда ҳосилдорлик ва унинг компонентлари бўйича гетерозис даражаси 190% га етади ва  $F_2$  даги айрим комбинацияларда 30 % гача сақланиб қолади [П.Ш.Ибрагимов, 2003]. Политестер топкросс усули билан у вертициллиум замбуруғининг ҳар хил патотипларига гуруҳли иммун чидамлилиги бўлган генотипларни аниқлаган ва уларни мураккаб дурагайлашга жалб этиб, қимматли хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичлари ва вилтга чидамлиликини ўзида мужассам этган бошланғич ашёни яратган, кейинчалик селекция ишлари орқали вилтнинг бир нечта ирқларига чидамли бўлган С-2609 ва С-2610 навларини яратди.

Ўзанинг ҳар хил дурагайларини турли чагиштириш усул-ларида қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланишини ўрганиш асосида бошланғич шаклларнинг генотипига қараб турли наслга ўтиш хусусиятлари аниқланган [Б.А.Бекба-нов, 1981; А.Б.Амантурдиев, Р.Г.Ким, Н.М.Хўжамбергенов, 1993; Ш.Э.Намозов, А.Э.Эгамбердиев, А.Р.Сиддиқов, 2003].

Кўпгина тадқиқотчилар дурагайларнинг юқори авлодла-рини мураккаб чагиштириш асосида тола юқори сифатли кўрсаткичларига эга бўлган навларни яратиш мумкинлигини қайд этганлар. Масалан, географик узок турлар ичидаги ду-рагайлаш орқали олинган  $F_5$  дурагайларини кўш дурагайлаш [ $F_5$  (*Deltapine-16* x *morilli*) x  $F_5$  (*paymaster 266* x *richmondi*)] ва танлаш ёрдамида толаси IV типга мансуб бўлган ўрта тола-ли ўзанинг Турон нави яратилган [Х.Мунасов ва бошқалар, 2006].

Охирги йилларда ўзанинг узок турлар ичидаги ва турла-раро, шунингдек, мураккаб дурагайлаш усули ЎзФСУИТИда кенг фойдаланилмоқда. Кўпгина тадқиқотчилар генетик пла-стикликнинг асосини ташкил этувчи мувозанатланган гетеро-зиготалик кенг ўзгарувчанлиги қайд этилган мураккаб дура-гайлар популяцияларида юзага келиши аниқланган [Л.Г.Ару-

тюнова, 1973; К.Ф.Гесос, 1976; М.П.Пўлатов ва бошқалар, 1986, 1990; М.П.Пўлатов, Л.Г.Арутюнова, А.Э.Эгамбердиев, 1992; А.Э.Эгамбердиев ва бошқалар, 1995, 2002; Ш.Э.Намозов ва бошқалар, 2000, 2003, 2005, 2009; А.Холмурадов, 1996; Х.Сайдалиев ва бошқалар, 2005; М.Холиқова, 2003; Рыстаков ва бошқалар, 2004; Х.Сайдалиев, А.Тожибоев, 2006; П.Ш.Ибрагимов, 2006; Г.Р.Холмуродова, Ш.Э.Намозов ва бошқалар, 2005, 2006; С.Г.Мурадов ва бошқалар, 2005; Ш.Э.Намозов ва бошқалар, 2006; А.Б.Амантурдиев, 2007; Д.М.Даминова, С.А.Раҳмонкулов, 2007].

Ш.Э.Намозов ишларида [1996] қайд этилишича, амфидиплоид (К-58) *G.thurberi* x *G.raimondi* x *G.hirsutum* иштирокида олинган  $F_1$  турлараро мураккаб дурагайлари учун кучли парчаланиш натижасида қимматли хўжалик белгиларига кўра кенг шакл ҳосил бўлиш жараёни кузатилади, кейинги авлодларда трансгрессив шакллар аниқланади. Бу дурагайлларда тола чиқимига кўра нисбатан юкори ўзгарувчанлик  $F_2$  да, тола узунлиги бўйича  $F_2$ - $F_3$  да намоён бўлди. Ўрганилган мураккаб турлараро дурагайлларда тола чиқими ва узунлиги ҳосилдорлик ва унинг компонентларига қараганда камрок паратипик ўзгарувчан бўлиши қайд этилган.

ЎзҒСУИТИ жаҳон коллекциясидаги АД ва А геномли намуналарнинг морфо-биологик ва асосий қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш юзасидан кўп йиллик тадқиқотлар асосида АД геномли турлари билан бирга, шунингдек, ғўзанинг А геномли турларидан селекциявий-генетик тадқиқотларда фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги исботланган [Х.Сайдалиев, 2003]. Олим ва унинг шогирдлари [А.Холмурадов, 1996, Б.Мамараҳимов, 2002; М.Холиқова, 2004] ёввойи полиплоид тури *G.tomentosum* Nutt. Ex Seem. нинг стиштириладиган *G.hirsutum* L. тури билан турлараро дурагайлаш натижасидаги дурагайлларини олганлар.  $F_1$ - $F_2B_1$ - $F_3B_1$  да морфологик ва қимматли хўжалик белгиларининг наслга ўтиш хусусиятлари ўрганилган.

Ғўзанинг мураккаб турлар ичидаги ва турлараро дурагайлаш асосида қимматли хўжалик белгиларининг анча катта ўзгарувчанлигига эришиш мумкин. Бундай дурагайлашда

ғўзанинг янги (тезпишарлик, вилтга чидамлилиик, толанинг юкори чиқиши, шунингдек юкори сифати ва узунлигини мужассам этган) шакллари ажратилган, улар селекциявий-генетик ишлар учун бошланғич ашё ва ғўзанинг генофондини тўлдириш учун манбалар бўлиши мумкин [Ш.Э.Намозов ва бошқалар, 2005, 2006].

С.А.Эгамбердиева [2006] навлараро дурагайлашга қараганда интрогрессив шаклларини ўзаро ёки навлар билан чатиштириш қимматли селекциявий ашёларни яратишда афзаллиги ва самарадорлигини кўрсатган.

Турли олимлар амалга оширган тадқиқотларнинг қисқача тахлили асосида дурагайлашнинг барча санаб ўтилган турларини у ёки бу даражада нуқсонлар ва афзалликларга эга эканлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Шунингдек, дурагайлашнинг ушбу усуллари асосида қимматли хўжалик белгиларининг юкори кўрсаткичларига эга бўлган навларини яратиш мумкин бўлавермаслигини қайд этиш лозим. Шунинг учун, охириги йилларда бошқа кўпгина экинларда мураккаб чатиштиришларнинг бошқа турлари, жумладан, конвергент чатиштиришнинг ҳар хил турлари кенг қўллана бошланган.

Конвергент чатиштиришларнинг асосий вазифаси айрим белгиларининг ўхшашлиги тамойили бўйича танланган бир нечта нав генларининг комбинацияси ҳисобланади. Конвергентнинг кенг тарқалган тури мураккаб қайта чатиштириш бўлиб, у бир ёки иккита белгини назорат қилувчи генларни кўшиш, уларни ғўзанинг етиштириладиган навларида мустақамлаш мақсадида қўлланади. Бунда ота-она шакллари дан бири кўпроқ ишлатилади.

Конвергент чатиштириш усули шуниси билан ажралиб турадики, у дурагай тизмалар чатишмасида кўп миқдордаги ота-оналик шаклини ўзида мужассам қилади. Бу усул юкори ҳосилдорлик, тола сифати, ғўзанинг вилтга бардошлилиги ва эртапишарлик ўртасидаги салбий корреляция (ўзаро боғлиқлик)ни яхшилашга ёрдам беради ва генларнинг қулай комбинациясига имкон яратади. Бу усул ота-оналик навларидаги донорлик хусусиятларини рекурент навларга кўчириб ўтказиш учун самарали ёндашув ҳисобланади.

В.А.Колобаев тадқиқотларида (1996) *Solanium* турининг юқори чидамли ҳар хил маданий навларнинг конвергент ча-тишувини ўтказиш йўли билан фитофторозга горизонтал чидамли бўлган дурагай популяциялар олишга эришган. У *S.simplicifolium*, *S.polytrichoni* *S.Verrucosum* турларини *S.pinnatisectum* *S.Megistacrolobum* турлари билан ча-тиштириш орқали ушбу касалликка чидамлиликни оширишга муваффақ бўлди. Шу билан бирга, ёввойи ўсимликлардан ир-сийланган горизонтал чидамлилик маданий навлар билан кел-гуси беккросс ча-тишишда кўп ўсимликларда В2 F<sub>2</sub> дурагай популяциялар намоён бўлган ҳолда ўтказилди.

Ишнинг барча босқичларида ўтказилувчи фитофторозга бардошлилик бўйича танлаб олинган маданий навлар билан 3 тур ча-тиштиришни амалга ошириш жараёнида бардошлилик-нинг фойдаланилган манбалар унумдорлиги бўйича бир хил бўлган юқори горизонтал бардошлиликнинг дурагай насллар-да сакланиб қолиши кўрсатилган. Шу тарика, фитофторозга янада юқори бардошлиликка ва ушбу кўрсаткич бўйича энг яхши донор қобилиятига эга мураккаб турлараро дурагайлар олинди. Бундай конвергент ча-тиштиришдан юзага келган ду-рагай популяцияларда фитофторозга юқори даражада бар-дошли бўлган ўсимликлар кўпчиликни ташкил этди. Баъзи дурагайлар бардошлилик даражаси бўйича ўз ота-оналаридан ўзиб кетдилар. Бунда полиген табиати аломатларига хос бўлган трансгрессив ўзгарувчанлик юзага келди. Бунга ҳар хил тур наслларининг, шунингдек илгариги ча-тиштирилган *Solanium* нинг бошқа-бошқа турларидан насл қилинган тур-ларининг бардошлилик генлари рекомбинацияси бунга ёр-дам берди. Конвергент ча-тиштиришлар учун такрорий бек-кросслар натижасида олинган намуналар маданий навлар би-лан илгариги ча-тиштиришларда яхши наслни ва унумдорлик кўрсаткичлари билан боғлиқликни намоён қилган бардошли-лик генларини олинувчи дурагайларда бирлаштиришга имкон берди.

Шунга қарамасдан, вилтга гуруҳли чидамли бўлган навлар-ни яратишда олиб борилган камсонли изланишлар бу сингари тажрибаларнинг кучли зарарланган ва ирқий таркибига кўра мураккаб провакацион муҳитда ўтказилишига асос бўлди.

## ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗАДА ВИЛТГА ЧИДАМЛИЛИК ВА ТЕЗПИШАРЛИК БЎЙИЧА СЕЛЕКЦИЯ ИШЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ғўза ҳаётий зарур ва анча кенг тарқалган техникавий экин саналади. У тўқимачилик саноати учун табиий толаларни етказиш бўйича асосий таъминловчидир, бундан ташқари, ғўза халқ хўжалигининг кимёвий, мой ишлаб чиқарадиган, қоғоз ва бир қатор бошқа сохаларини хомашё билан таъмин этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан мамлакат пахташунослари олдига пахта толасини экспорт қилиш бўйича дунё бозорида етакчи ўринни сақлаб қолиш вазифаси қўйилди. Шубҳасиз, ушбу вазифа юқори сифатли толага эга бўлган яхши самара берувчи навлар ва касалликларга чидамли бўлган янги эртапишар навларни жорий қилиш билан ҳал қилинади. Ҳаммага маълумки, Ўзбекистон шимолий пахта экувчи мамлакат ҳисобланади ва шу сабабли вилт касаллигига чидамлилик ва эртапишарлик муаммоси бугунги кунда анча долзарб бўлиб қолмоқда.

Вертициллез сўлиш (вилт) – дунёнинг барча пахта экувчи минтақаларида маълум бўлган – ғўзанинг энг кўп тарқалган ва энг хавfli касалликларидан бири ҳисобланади. Касаллик нафақат Республикамизда, балки *G.Hirsutum L* ўрта толали ғўза етиштирилувчи Ўрта Осиё мамлакатларида, шунингдек АКШ, Хитой, Эрон каби пахта етиштирувчи мамлакатларда тарқалган. Бундан ташқари, вилт Шимолий ва Жанубий Америкада, Африкада, Австралия, Европа ва Осиёда тарқалган, бундан бир қатор муаллифларнинг ишлари далолат беради. (Н.Г.Запраметов, 1926; Н.В.Wellenveber, 1929; В.А.Rudolph, 1937; А.И.Соловьева, А.В.Пояркова, 1940; С.С.Канаш, 1948; Н.С.Мирпўлатова, 1963, 1973; С.Ф.Сидорова, 1983; А.А.Bell, 1994; J.Bejiuruno-Alcasar J, М.А.Blonco-Lopez., Z.M.Melero-Vura 1996; А.Марупов, 2003).

Вилт касаллиги ғўзанинг энг зарарли касаллиги саналади. Ўсимлик хужайраларида ушбу касалликнинг намоён бў-

лиши ва ривожланишида бир эга ўсимликнинг бир маромда ўсиши ва ривожланиши жараёни бузилади, уруғдонлари, барглари ва кўсақлари тўкилиб ҳосилдорлиги тушиб кетади. Касал ўсимликларнинг толаси паст сифатга, паст даражадаги чидамликка ва паст даражадаги саноат навига эга. Ўсимликларда вертициллез вилтнинг ялли намоён бўлиши интенсив гидролизнинг ўтиш пайтида, шунингдек, уруғ ҳосил бўлиши даврида бошланади.

Ўзанинг кучли зарарланган навларида озик моддалари захираси, жумладан, крахмал захираси кўсақлар ҳосил қилиш учун вилтга чидамли навлардагига нисбатан кўп миқдорда ишлатилади. Шунингдек, шу нарса маълумки, суғоришнинг кўпайиши билан озуқа моддалар, хусусан крахмалнинг захираси камаяди ҳамда ўсимликларнинг касалликка чалиниш даражаси ортади. Етарлича сув таъминоти бўлмаган қурғоқчил туманларда замбуруғ кўп тўпланмайди. Тупрокнинг энг қулай намлиги замбуруғ қаршилигини кучайтиради ва ўсимликлар зарарланишига имкон яратади. Ўза баргларида микроспороция фақат баргларнинг тўкилишидан кейин ҳосил бўлади. Барглар тўкилишидан кейинги суғоришлар ёки пишиш давридаги суғоришлар бирдан тўкилган касал баргларда склероцийларнинг юзага келишини кучайтиради ва далаларнинг ялли зарарланишига олиб келади.

Ўза вертициллез сўлишининг кўзгатувчиси *Verticillium* наслига хос етилмаган замбуруғ ҳисобланади.

Вертициллез вилт замбуруғи илк мартаба 1879 йилда картошканинг касал ўсимликларидан Л.Рейнке ва Т.Бергольд томонидан Германияда ажратилди ва улар томонидан *Verticillium albo-atrum* Reinke et Berthold тури сифатида тавсифланган.

Л.Рейнке ва Т.Бергольд иши билан яхши таниш Н.Клебах 1913 йилда георгин касаллигини (*Dahlia*) тасвирлаб берди.

Бу вазиятда касалликнинг кўзгатувчиси унинг фикрига кўра замбуруғнинг бошқа тури бўлмиш *Verticillium dahliae* Kleb дир. Бундан ташқари, баъзан ўзада *V.nigrescens* Pethybr. ва *V.fumosum* Seman намоён бўлади. Замбуруғнинг ҳар бир тури ўзига хос рангга ва мицелий турига, споралар ҳосил қилиш хусусиятига ва патогенликка эга.

Кўпгина адабий манбаларда ғўзанинг вертициллез вилти кўзгатувчи замбуруғнинг икки хил номи келтирилади: *V.albo-atrum* и *V.dahliae*.

Пахтачиликнинг турли жабхаларида изланувчи фитопатологлардан В.И.Улянищев (1934), А.А.Васильев (1936), А.С.Летов, А.А.Губичева (1937), А.И.Соловьева (1955), А.А.Бабаянлар (1961, 1994) ғўзада фақатгина *Verticillium dahliae* Kleb замбуруғларини қайд қилдилар.

Т.С.Панфилова ва С.С.Рамазановалар (1962), Н.С.Мирпўлатов (1963, 1973), М.Х.Камилова (1964), Д.Ҳайдаров (1966), Г.Я.Губанов (1969, 1972), В.И.Попов, Т.А.Тарунина, З.У.Усманов (1972), В.И.Якуткин (1973), Ф.В.Войтенко, Т.А.Пыльнова (1976), Р.П.Молчанова (1978), А.Г.Касьяненко, Е.А.Горковцева, И.М.Рябова (1978) ларнинг анча кейинги ишлари ҳам ғўзада *Verticillium dahliae* Kleb замбуруғлари ҳосил бўлишини тасдиқлайди.

Т.А.Тарунина (1972) ўз изланишларида *V.albo-atrum* замбуруғи кучли тарзда картошкани вилт билан зарарлантириб, ғўза учун у заиф патоген бўлишини аниқлади.

Шу тариқа, ҳозирги вақтда ғўзанинг вертициллез вилт кўзгатувчиси *Verticillium dahliae* Kleb эканлиги етарлича исботланган деб ҳисоблаш мумкин. Унинг учун турғун ҳолатга ўтишда микроспороцийнинг ҳосил бўлиши характерлидир.

Охирги вақтларда ғўзанинг вилтга чидамлилигини ошириш учун селекция соҳасида кўп ишлар амалга оширилди. Янги нав яратувчи селекционерлар томонидан ушбу йўналишда қилинган ишлар нафақат пахта етиштириш бўйича мутахассислар қизиқишини орттирибгина қолмай, балки селекция ишлари орқали ҳосилни ошириш масаласини амалий ҳал этишнинг ўзига хос намунаси бўлиб саналади.

Шуни таъкидлаш жоизки, вертициллез вилтга чидамлилиги бўйича ғўза селекцияси жуда узоқ вақт ҳали *V.dahliae* kleb замбуруғи ушбу касалликнинг кўзгатувчиси эканлиги маълум бўлмаган пайтда бошланган.

Ғўзанинг вилтга чидамлилиги бўйича селекция ишлари В.А.Ортон томонидан бошлаб берилган эди. У 1908 йилда Риверс деб номланган вилтга чидамли навни яратди. Кучли за-

рарланган табиий вилт мухитида танлов ўтказди. Вертициллез сўлишнинг кўзгатувчиси талай шаклий ўзгарувчанликка эга (Н.А.Струков ва бошқалар, 1968). Бу эса *Verticillium* ларда турлараро шаклларнинг мавжудлиги ва уларнинг турли ядроллиги билан тушунтирилади.

Бунга қарши ўларок W.H.Brandt, (1964) *Verticillium* шаклининг ўзгарувчанлиги цитоплазматик омиллар билан аниқланади деган хулосага келади.

Ўзбекистонда ғўза навларининг вертициллез вилтга чидамлилигини зарарланган вилт мухитида ўрганиш 1926 йилда Н.Г. Запрометов томонидан Пахталик-Кўлда (Наманган остонасида) олиб борилган. 1929 йилдан ғўзанинг вилтга чидамлилигини ошириш бўйича селекцион ишлар бошлаб юборилди. Дастлабки даврда саноат навлари ва турли намуналар орасида табиий зарарланган мухитда соғлом ўсимликларни танлаб олиш усули татбиқ қилинди.

Пахталик-Кўлда П.В.Могильников раҳбарлигида иш олиб борган Л.В.Румшевич ғўзанинг вилтга чидамлилигига катта эътибор қаратди. 8517 та чидамли бўлмаган навидан кўп марталик танлов усули билан у нисбатан анча чидамли 115-Ф навини яратди. Кейинчалик 2034 навидан танлаб олиб улар томонидан нисбатан чидамли бўлган 137-Ф ва 138-Ф навлари яратилди.

Баъзи тадқиқотчилар (Д.Д.Вердеровский, 1959; А.А.Зуннунов, 1964) анча кейинги даврларда *Verticillium dahliae* kleb замбуруғи билан 108-Ф саноат нави зарарланиш мухитида қатъий кўп марталик якка танлов йўли билан ғўзанинг вилтга чидамлилигини бирдан оширишга уриниб кўрдилар.

Аммо, амалиёт кўрсатганидек, ушбу хусусият бўйича навларнинг юқори генотипик бир хиллиги сабабли ғўзанинг чидамсиз навларидан касал юқмайдиган ёки вилтга юқори даражада чидамли шаклларни етиштиришга уриниш муваффақиятсизлик билан якунланди.

1935 йилда Л.В.Румшевич ғўзани чатиштириш бўйича иш бошлайди, унинг мақсади вилтга чидамли навларни яратиш эди. Румшевич томонидан Туркистон тажриба станцияси ва Кавказ орти коллекцияларидан олинган тахминан 3500 туп ғўза намунаси ўрганилган. Кўп сонли навлар орасидан

у вертициллез вилтга юқори даражада чидамли бўлган кичик гурухли навларинигина танлаб олди. Тажриба Л.А. Турк (1959) ва В.Я. Буткова (1962) томонидан давом эттирилди.

Собиқ Марказий селекция станцияси Ўз ПИТИ (ҳозирда ЎзҒСУИТИ) янги нав етиштирувчилари томонидан 40-50-йилларда чатиштириш йўли билан С-460, С-450, С-455, С-1225, С-1622, С-1472 вилтга юқори даражада чидамлилика эга навлари ва бошқа навлар яратилди.

Г.С. Зайцев номли ЎзҒСУИТИнинг (З.М. Пудовкина ва С.С. Алиходжаева, 1962; Ф.В. Войтенко, 1963, 1966, 1968, 1970, 1971, 1973, 1976), ЎзҒСУИТИ Ўрта Осиё тажриба станциясининг инфекцион муҳитида (Д.В. Тер-Аванесян, 1964, 1968), қишлоқ хўжалик экинлари (В.М. Малинин, 1961) навини синаб кўриш бўйича Давлат Кўмитасининг Избоскан энтомо-фито участкасида дунё коллекцияси кўп сонли навларининг келгуси синови навлар ичида вертициллез вилтга иммунитетли навларнинг, шунингдек, ушбу касалликка тўлиқ чидамли навларнинг мавжуд эмаслиги тасдиқланди. Шунга қарамадан, алоҳида навлар сезиларли даражада вилтга нисбий чидамлилика эга бўлди.

Замонавий шароитларда ғўза навларининг вилтга чидамлилиги масаласи фитопатологларнинг селекционерлар билан узвий алоқаси орқали ҳал этилади. Вилт кўзғатувчисининг патоген ўзгарувчанлиги катта қизиқиш уйғотади. Чидамли навларни етиштириш вертициллез вилт билан яхлит курашишнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Лекин, вилтга чидамли қилиб яратилган навлар маълум вақтдан сўнг ўз чидамлилигини йўқотади ва бир хил экинлар муҳитида кам чидамли нав каби зарарланади. Бунинг сабаби нафақат инфекциянинг ортиши, балки патоген вирулентлигининг ўзгаришидир. Бунга 1950 йилда районлаштирилган 108-Ф нави мисол бўла олади. Бу йилларда у ҳақиқатан ҳам, вилт оқибатида йўқотишлар даражасини камайтирди, айнан вилт кўзғатувчиси аста-секин янги навга мослашади ва 1960 йилда вилт ўзининг энг юқори даражасига етди ва ҳар ерда тарқалди. 1970 йилларда Тошкент-1 деб номланган ғўза нави районлаштирилди, лекин маълум муддатдан сўнг унга вирулент бўлган замбуруғ ирки зарар келтира бошлади.

Вертициллез вилт қўзғатувчисининг турлараро тизимини ва ғўзанинг турлича генотиплари билан таъсир этганда унинг ўзгарувчанлик хусусиятини ўрганиш Тошкент типигаги навларнинг чидамлилигини йўқотиш механизмини аниқлашга имкон берди.

Вилтни қўзғатувчи штаммларнинг янги гуруҳларини ажратиш бўйича маълумот мавжуд: Тошкент-1 нави 108-Ф навига қараганда анча патоген хусусиятли, ҳар иккала навларга бир хил патоген: 108-Ф таъсирчан навига анча патоген хусусиятли (Т.Х.Халхўжаев, 1972; Н.Н.Гусева ва бошқалар, 1982).

Кўпгина тадқиқотчилар вилтга чидамсиз бўлган 108-Ф навини кўп йиллик етиштиргандан сўнг, кўпроқ чидамли нав бўлмиш Тошкент навлари экилганда вилт қўзғатувчилари томонидан камроқ зарарланган ва бунга мувофиқ улардан тупроққа кам чидамли навларга қараганда кам инфекция тушади (Н.Ўразматов, 1974, И.С.Ўрунов, 1990, А.Марупов, 1993).

С.Назов (1976, 1998) ишларида ушбу белгининг генетик асосланганлигида турлиликка эга бўлган дастлабки шаклларини чақиштириш давомида генетик-селекцион усуллар орқали иммун хусусиятлар кўламиди кенгайтириш асосида вилтга чидамлилиги аломатларини кучайтиришнинг мумкин бўлган йўллари топиш амалий мақсад бўлди.

Кўп йиллик изланишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, (А.Юлдашев ва бошқалар, 1999; Р.С.Назаров ва бошқалар, 2001) гарчи турли участкаларда ўсиш суръати бир хил бўлмаса-да, ғўзанинг вилт билан зарарланиши кўп навларда кузатилди.

Ш.Э.Намозов, А.Э.Эгамбердиев, А.Р.Сиддиқов, (2003) изланишларида хорижий навлар иштироки билан олинган  $F_1$  қўш дурагайлари билан вилтга чидамлилиги маҳаллий навларни чақиштириш натижасида олинган  $F_1$  қўш дурагайлارга нисбатан пастдир.

П.В.Попов (2002) тадқиқотларида вилтнинг 1- ва 2- ирқлари билан зарарланган, вегетация даврига таъсири бўлмаган вилт билан зарарланмаган муҳитларда  $F_3$  дурагайлари оиласида вилтга чидамлилиги ва эртапишарлик боғлиқлиги ўрганилди. Улар томонидан 1- ирқ билан зарар-

ланган муҳитда олиб борилган тажрибалар маълумотлари шуни кўрсатади-ки, генотипида R-ген бўлган Тошкент-1, Л-4736 навлари иштирокидаги дурагайларда вилтга чидамлик ва тезпишарлик ўртасида боғлиқлик бор.  $F_3$  - оилалари орасида вегетация даври узунлиги ва вилтга чидамлик ўртасидаги боғлиқликларни шунингдек, юқори даражадаги вилтга чидамлик, юқори даражадаги тезпишарликни учратиш мумкин. Шу туфайли, вилтга чидамлик ва эртапишарлик ўртасидаги корреляция коэффициенти кўрсаткичи аҳамиятсиз бўлиб қолади. Анча аниқ маълумотлар 2 - ирқ билан зарарланган муҳит шароитларида худди ўша дурагайларни ўрганишда олинган. Бундай вазиятларда корреляция коэффициенти  $F_3$  оиласининг вилт билан зарарланиш даражаси ва вегетация даври узунлиги ўртасида аниқланди.  $F_3$  (С-4727 x Л-4736) оилаларида анча муҳим тескари корреляция топилди ( $r = -0,40$ ). Корреляциянинг анча юқори коэффициенти  $F_3$ (С-6501 x Тошкент-1) оилаларидан олинган, уларда дастлабки шакллар, шунингдек, қатъий чидамлик бўйича фарқланади. Бундай ўзаро алоқа даражаси шунингдек салбий ва анча аҳамиятли хусусиятга эга бўлади ( $r = -0,53$ ) ҳамда тезпишарлик ошиши билан вилт оилаларининг зарарланиш даражаси ортади. Гарчи қатъий чидамликнинг белгилари боғлиқлиги ва вегетацион давр узунлиги бўйича топилган кўрсаткичлар генетик тарзда юзага келтирилса-да, лекин чаштириб кўпайтиришда йўналтирилган танлов юқори даражадаги эртапишарлик ҳамда қатъий чидамликни бирлаштирувчи шаклларни олишга имкон беради. Бу эса ушбу шаклларнинг чидамлиги Т-ген чидамли, шунингдек, физиологик чидамликнинг яхлитланган ҳаракати натижаси бўлиб саналади.

А.Марупов (2003) маълумотларига кўра бир хилдаги гўзани алмашинмасдан етиштиришда ҳар йили вилтга чалиниш шоналаш даврида 5,1 дан то 6,6 фоизгачани, шоналар пишиб етилиши даврида эса 38,3 дан то 41,1 фоизгачани ташкил этди.

Маълумки, гўзанинг вилт билан зарарланганида ҳосил унумдорлиги камаяди ва маҳсулот сифати ҳам тушади. Ка-

салликнинг зарарлилик даражаси ўсимликларда касалликнинг намоён бўлиш муддатига боғлиқ бўлади.

А. Марупов (1987, 2003) маълумотига кўра, Уйчи-2, Ан-402, Ан-60, Ан-9 гўза навлари вилтга чалинганда тола узунлигини 5% га камайиши, унинг етилганлиги 15% га, саралиги 1-навдан 3 -навга камайганлиги кузатилди. Уруғларнинг мутлақ оғирлиги 12.2% га камайди. Муаллиф таъкидлаб ўтгани каби, зарарлилик ушбу навларга эга ўсимликларда касаллик нишонларининг намоён бўлиши муддатини юзага келтирувчи экологик омилларга боғлиқ бўлди.

Шу тариқа, турли йилларда ўтказилган тадқиқотлар вилт билан касалланганликнинг таъсири остида ҳосилдорликнинг камайиши ва пахта маҳсулоти сифатининг пасайишидан далолат беради.

Х.Аҳмедов, М.М.Джумашев, Л.Г.Крылова, В.Е.Хохлачева (2005) ларнинг тадқиқотларида С-4727 нави вилтнинг 1-ирқи билан 31.6 ва 71.3 % га зарарланди, 2 -ирқ билан 42.3 ва 87.9 % га, ҳамда улар аралашмаси билан 37.5 ва 83.3 % га зарарланди. Шунингдек, улар шундай ёзадиларки, гўзанинг  $F_1$  ва  $F_2$  дурагайлари ўсимликларнинг вертициллез вилт билан зарарланишининг паст фоизи эртапишарлик белгисига таъсир кўрсатади.

Р.Г.Ким (2005) тадқиқотларида «А» ирқи мухитида корреляциянинг энг юқори даражадаги салбий коэффиценти ҳосил шохларининг паст типларига эга ўсимликларда олинган ва ушбу гуруҳда корреляциянинг энг паст коэффиценти айниқса № 2 х С-6030 дурагай бирикмасида мавжуд. Ўзаро боғлиқлик коэффицентининг юқори даражадаги салбий ифодасини “Б” ирқи мухитида № 2 х 02800 бирикмаларида ҳосил шохларининг паст типига эга ўсимликлар мужассам этди.

Р.Г.Ким ва А.И.Марупов (2005) лар ёзишича, гўзанинг касалга чидамлилиги бўйича селекциявий ишларнинг муваффақияти *Verticillium* замбуруғининг турли тупрокли жуғрофий районларида изолятлари (штамплари)нинг янги кўпайиш динамикасини чуқур ўрганишга, етиштирилувчи навларнинг чидамлилиги даражасини, дастлабки ота-она шаклларини ва дурагайлашни билишга боғлиқ бўлади. Навларнинг вилтга

чидамлилиги ва вертициллиум замбуруғларининг турли изолятларига ғўза тизмаси бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, улар замбуруғнинг ўрганилаётган изолятларига чидамлиликни намоён қилишнинг турлича генотипик даражасига эга бўлади. Улар таъкидлайдики, ўз тадқиқотларида Омад нави 28 изолятли бирламчи ўсимликни юқтиришда бутун вегетация даври давомида юкори даражадаги фенотипик вилтга чидамлиликни намоён қилади.

Шунингдек, Омад нави ушбу паразитнинг ўсимлик организмга сингдирилишида касалликнинг фенотипик намоён бўлишига таъсир этмайди. Бу шундан гувоҳлик берадики, мазкур нав 28 изолятига касалликнинг фенотипик юзага келишида ўта сезувчанлик реакциясини вужудга келтиради. Омад нави 60% микдордаги зарарланувчанликнинг ўрта даражасига эга бўлиб, у худди фенотип бўйича чидамли хисобланади.

Шунингдек, улар томонидан шу нарса белгиланганки, отоналик шакллари вертициллиум замбуруғининг ўрганилаётган бир хилдаги қарама қарши изолятларига таъсирчанлик даражаси бўйича ўзаро фарқланади:

- ўрганилаётган навларда ва ғўза тизмаларида вилтга чидамлилик даражаси замбуруғнинг моно спорали изолятларига нисбатан генотипик реакциясига боғлиқдир.

- ўрганилаётган, турли навлардан олинган ва Ўзбекистон Республикасининг турли тупроқ-иқлимий жойларидан топилган вертициллиум замбуруғининг моно спорали изолятлари ўзаро бир-бири билан қасал юқтириш даражаси ва навларнинг зарарланиши кескинлиги ва ғўза тизмалари бўйича фарқ қилади.

Бардошлилик даражасининг намоён бўлиши вилтга чидамлиликнинг генетик табиатига ва уларнинг касаллик пайдо бўлишидаги эга-ўсимлик организмга паразитни сингдиришдаги реакцияга боғлиқ.

П.Ш.Ибрагимов, С.Нзамов, А.М.Муратов, Е.Шадраимов, А.Бабаназаров, Б.Ўрозов (2006) каби тадқиқодчилар генетик ва донор вилтга чидамлилик учун бир неча тизма ва навларни ўрганишди ва пахта селекцияси учун донор сифатида *V.dahliae* Kleb гуруҳли вилтга чидамли Л-147 Б тизмасини тасвия этишди.

Ғўза навини янгилаш амалиётида *Verticillium dahliae* Kleb замбуруғларининг табиий патотипларига гуруҳли чидамликка эга бўлган навларни етиштиришда узоқ яшовчи сифатида горизонтал ёки вертикал чидамлилигига катта аҳамият берилади.

Эрта пишарлик – ҳосил кўламини, пахта хомашёси ва тола сифатини, машина ва кўлда териш муддатларини, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини аниқловчи, хўжалик учун муҳим ҳисобланган белгилардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, бу хусусият шимолий зоналарда ғўзанинг етиштирилувчи турини ривожланиш эволюцияси учун гетероген кўпайишдан табиий ва сунъий танловларнинг муҳим биологик белги ва манбаси бўлиб саналади. Ўзбекистон дунё пахта саноатининг энг шимолий зонаси бўлишига қарамадан 1972 йилдаёқ толанинг ҳосилдорлиги ва сифати бўйича стакчи ўринлардан бирини эгаллади. Ўша йилларда ўртача ҳосилдорлик 1 гектардан 28,3 центнерни ташкил этарди (А.А.Абдуллаев, В.П.Клят, С.М.Ризаева, 2005).

M.S.Harland (1932, 1935) шуни хабар қиладики, ҳосилдорлик эртапишарлик билан шубҳасиз боғлиқ бўлиши шарт эмас. Муаллиф юқори унумдорликка эга эртапишарлик ва узун тола бирикуви мумкинлигини кўрсатади.

M.S. Brown (1935)нинг ёзишича, юқори ижобий корреляция эртапишарлик ва зараркунандалардан ҳолис бўлишга интиладиган туманлардаги ҳосилдорлик ўртасида кузатилади.

Тезпишарлик устида кўпгина олимлар иш олиб боришган: Н.Г.Симонгулян (1975), А.А.Автономов (1973), Л.Г.Арутюнова ва бошқалар (1973, 1976), А.И.Алиев (1979), Ш.Акмурадов (1982), К.Ф.Гесос, О.С.Вдовина (1990), П.Т.Содиқов ва бошқалар (1968, 1992), А.А.Абдуллаев ва бошқалар (2005), М.Ф.Абзалов (2005), Ж.Х.Аҳмедов (2005), Н.Исмоилов ва бошқалар (2005), З.Раҳмонов, Ш.Намозов (2005), Т.Топиволдиев, З.Раҳмонов (2005) ва бошқалар. Улар томонидан вегетация даври узунлиги ғунчанинг бир кунлик гулга ва очилган кўсакка (шоналаш-гуллаш, гуллаш-очилиш) айланиши учун керак бўлган ўсиш даври (уруғнинг униши, ўсимликларнинг ғунчалаш) ва вақтининг ўтишига боғлиқ деб белгиланган.

Н. Г. Симонгулян (1971) нинг ёзишича “гуллаш-очилиш” вегетация даври давомийлиги бўйича тезпишар жуфтликларни танлаш тезпишарликнинг  $F_1$  да устунликни ва  $F_2$  нинг ўта тез пишувчи шаклларида кесиб ташлашни таъминлайди. Бунда унинг таъкидлашига кўра,  $F_1$  ва  $F_2$  дурагайларида ривожланиш даврининг ўтиши давомийлиги ва тезпишарлик бўйича бир-бирига яқин бўлган навларнинг чатиштирилиши тенг бўлади ёки дастлабки шаклдан бир оз четлашади, тезпишарлик бўйича фарқлар сезиларли бўлганда, у ҳолда  $F_1$  ва  $F_2$  дурагайлар ота-она томон оғишга моил бўлган ирсийликнинг оралиқ типига эга бўлади.  $F_3$  дурагайларининг тезпишарлиги худди  $F_2$  дурагайлари сингари бир хил қонуниятга бўйсунди, лекин иккинчи авлод дурагайларига қараганда ўзгарувчанлик кўлами озгина камаяди. Муаллифнинг фикрича, иккинчи авлоддан бошлаб, тезпишар ўсимликларнинг йўналтирилган яқка танланиши билан келгусида кейинги авлод наслининг вегетация даврини бир оз қисқартириш имкониятга эга бўлинади.

Н.Г.Симонгулянининг (1977) айтишича,  $F_1$  да чатиштириладётган шаклнинг генотипига қараб тезпишишнинг наслданаслга қолиши геннинг аддитив ҳамда ноаддитив эффектлари билан белгиланади. Иккинчи ва кейинги авлодларда тезпишарлик бўйича трансгрессив парчаланиш кузатилди. Муаллиф тезпишар навларнинг генетик назоратида ҳам ҳукмрон рецессив ген аллеллари иштирок этишини аниқлади.

М.М. Божинов (1983) ёзишича Булғор селекциясида олиб борилган кўпгина тадқиқотларда вегетация даври давомийлигига кўра бир-бирига узоқ навларни чатиштиришда тезпишарликнинг устунлик қилишини, чатиштиришнинг бошқа вариантларида – тезпишарликнинг турли хил ирсийланиш характерларини кузатишди.  $F_1$  дурагайларда тезпишарликнинг доминантлик қилиши ва  $F_2$  авлодда трансгрессив ажралишларнинг кўпайиши устунлик қилиши ғўзанинг кўпайиш тизими билан боғлиқ бўлиши мумкин биологик ва хўжалик қиммати бири-бирига мос келган белгилар учун хосдир.

Тезпишарликдаги фарқланиш етилиш даврида кузатилди. Ушбу даврни синчиклаб ўрганиш асосида жуфтларни тан-

лаш ва эртапишарликка танлаб олиш принциплари учун генетик ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. К. Ф. Гесос, О. С. Вдовина (1990)лар “униб чиқиш-гуллаш” даври давомийлиги бўйича 21та  $F_1$  дурагай комбинацияларини ўрганишда 7 хил вазиятда юкори даражада устунликни, 10 хил ҳолатларда тўлиқ устунликни ва фақат 3 хил ҳолатларда ўсимликлар гуллашининг 50% даврида оралик насл қолдиришини кузатдилар.

П. Т. Содиков ва ҳаммуаллифларнинг (1992) ёзишича, диалел дурагайларда 7 хил вазиятда ногенетив гетерозис кузатилди, яъни дурагайлар тезпишар ва ота-она шаклида эди ва 21 ҳолатда ота-оналарининг бирининг тўлиқ бўлмаган устунлиги билан оралик насл қолдириши аниқланди. Муаллиф тезпишишнинг донори сифатида ушбу белги аддитив эффеќтли полигенлар билан назорат қилинадиган бир қатор навларни тавсия қилади.

Сунъий танлашда инсоният учун аҳамиятли белгиларни яхшилашга ҳаракат қилинади. Масалан: тола чиқими, узунлиги, сифати каби хўжалик учун муҳим белгилар биологик нуқтани назардан ривожланиш учун унчалик аҳамият касб қилмайди. Ёввойи ўсувчи ва етиштирилувчи турлар ва кенжа турлар орасидаги кўрсатилган белгилар бўйича катта тарқоқлик мавжуд, инсон фаолияти билан боғлиқ сунъий танлаш натижалари самараси сезиларли аҳамият касб этади. Сунъий танлаш йўли билан инсон ғўзанинг етиштирилиш доирасида кўсакни бир неча бор катталиштиришга, толани узунлаштиришга, самарадорлигини оширишга ва вегетация даври узунлигини бир неча кунга камайтиришга эришди, бу эса ўртача кўлам учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Ғўзани шимолий кенгликларга етказишда тезпишарлик катта роль ўйнади (А.Абдуллаев ва бошқ. 2005).

А. Абдуллаев ва бошқаларнинг (2005) ёзишича тезпишарлик белгиси, яшаш жойининг ноқулай ва қурғоқчил шароитлари таъсирида ёввойи ўсувчи ва етиштирилувчи ғўза турларининг узоқ муддатли мослашув эволюцияси жараёнида вужудга келган. Бутун ёввойи турларни маданийлаштириш ва шимолий кенгликларга ёйиш тарихи мобайнида узлуксиз та-

бийи ва сунъий танлаш, мутация, дурагайлаш ва мослашув жараёнлари содир бўлди, бунинг натижасида аниқ бир муҳит шароитларида янги тезпишарлик бўйича ҳар хил турлар, хил ва навлар пайдо бўлди.

Ўзбекистондаги бир неча авлод олимлар хатти-ҳаракати билан тажриба шароитларида генетик потенциал ва эволюцион нуқтан назарни ҳисобга олган ҳолда классик усулларни ижодий қўллаш натижасида гетероген кўпайишдан бўлажак навларнинг асоси бўлган энг тезпишар биотиплар олинди (Абдуллаев, 2005).

С.Г.Муродов ва бошқаларнинг (2005) ёзишича, қишлоқ хўжалигида етиштириладиган навларни синаш бўйича Давлат нав синаш комиссияси тизимида Ўзбекистоннинг турли хил иклимий шароитларида хўжалик учун муҳим аҳамиятга эга бўлган, ғўзанинг янги тезпишар навлари бўйича доимо тадқиқотлар олиб борилади. Турли хил шароитларда пахта навлари бўйича тадқиқотларнинг олиб борилиши уларни кейинчалик татбиқ этиш учун фойдали хўжалик кўрсаткичларини аниқлашда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда 110-162 вегетация даврига эга бўлган пахтанинг энг тезпишувчи ўрта толали ва ингичка толали навлари яратилди ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилмоқда.

Пахтанинг тезпишарлиги унинг ҳосилдорлик билан ўзаро алоқаси, тупи, шакли, тола сифати ва ҳосил йиғиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар Ф.М.Мауер (1954), А.Д.Дадабоев (1962), Н.Г.Симонгулян (1971), Е.П.Коровина ва С.Ю.Рожановский (1974), Й.Ф.Узоқов ва Р.Г.Ким (1981), М.И.Иксанов ва Ю.П.Хуторной (1982) ишларида кўрсатилган. Бу ишларда тезпишарлик тупнинг қисқа, ихчам шакли билан узвий боғлиқлиги кўрсатилган. Ғўза поясининг паст бўйли ихчам шакллари баланд шохлаб кетган шаклларига қараганда юқори тезпишарлик хусусиятига эга.

Мавжуд бўлган ғўза дурагайларида тезпишарлик ва вилтга чидамлилиқ корреляциясини аниқлаш юқори даражадаги вилтга чидамлилиқ ва юқори тезпишарликни ўзида мужассам этган шаклларни олиш заруратига боғлиқ ҳолда янги нав яратувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Н.Г.Симонгулян (1971)

томонидан амалга оширилган бу белгиларнинг ўртасидаги боғлиқликнинг таҳлили тенг генетик чидамлилиқда тезпишар дурагайлар кейингиларидан кўра кўпроқ вилт билан зарарланади деган хулосага келиш имкониятини берди.

Н.Г.Симонгулян (1977) тадқиқотларида тезпишарлик билан тола чиқими ва узунлиги ўртасида мавжуд бўлмаган коррелятив боғлиқлик, тезпишарлик ва маҳсулдорлик ўртасида мавжуд бўлган корреляция юзага келган.

Ф.Х.Жумаев ва бошқаларнинг (2005) ёзишича, гўза навларининг тезпишарлиги ва ундаги морфо-биологик белгилар ўзаро боғланган, нав қанча тезпишар бўлса, биринчи ҳосил шоҳи, кўсак вазни ва 1000 дона чигит оғирлиги шунча паст бўлади.

Я.О.Бабаев (2005) тадқиқотларида табиий-эрта барг тушининг тезпишарлик ва бошқа қимматли хўжалик белгилари билан ўзаро коррелятив боғлиқлиги ўрганилди. Муаллифнинг ёзишича, табиий-эрта барг тушиш ва тезпишарлик орасидаги ўзаро боғлиқлик коэффициенти, 29 дурагай комбинациялардан 3 та дурагай комбинацияларда кучсиз даражада салбий, баъзи дурагай комбинацияда ўрта салбий, қолган дурагай комбинацияларда коррелятив алоқа умуман йўқ эди.

И.Т.Қаҳҳоров (2005) тадқиқотларида дастлабки ота-она популяциялари ва уларнинг турли хил географик узоқ зоналар(маҳаллий навлар, маҳаллий тизмалар, Болгариядан келтирилган 146 нави ва Австралиядан келтирилган 75007-3 нави) дан бўлган тизмалар ва навларни чапиштириш орқали олинган дурагайлари ўрганилди. Муаллиф ёзишича, улар томонидан олинган натижалар таҳлили ота-она шакллари популяцияларида бир кўсақдаги пахта вазни ва тезпишарлик ўртасида салбий корреляция (-0.30) мавжудлигини кўрсатди; дурагай авлодларда ижобий (+0,33); ота-она шакллардаги тезпишарлик ва тола узунлиги ўртасида (-0,15) ва дурагайларда (-0,12) аҳамиятли бўлмаган салбий корреляция кузатилади; ўрганилаётган популяцияларнинг тезпишарлиги ва тола чиқими белгилари ўртасида ва бошланғич ота-она намуналарда ва географик узоқ дурагайларнинг  $F_2$  авлодида салбий корреляциялар вужудга келади; битта ўсимликдаги кўсак

сони ва тезпишарлик ўртасида ота-она шаклларда (+0,65) ва дурагайлар (+0,26) популяцияларда сезиларли ижобий ўзаро боғлиқлик аниқланади.

Бошланғич (+0,98) ота-она шакллар популяцияларда юқори ижобий корреляция тезпишарлик ва ўсимлик баландлиги ўртасида,  $F_2$  географик жихатдан узоқ дурагайларда эса ижобий, лекин юқори бўлмаган (+0,11) кузатилади. Бошланғич ота-она шаклларидаги (+0,33) ва дурагай (+0,10) популяциялардаги тезпишарлик ва симподиал шохлар сони ўртасидаги коррелятив боғлиқлик ижобийдир. Олиб борилган тажрибалардаги корреляция коэффиценти тахлилидан кўриниб турибдики, ғўзанинг турлараро географик узоклашган дурагайлаштирилишидан олинган дастлабки ота-она ва  $F_2$  нинг дурагай кўпайиши ўрганилаётган белгилар ўртасидаги коррелятив боғлиқликнинг турли хил даража ва характерига эга. Бошланғич ота-она шакллари популяцияларида фаркли равишда  $F_2$  дурагайлари популяциялардаги тезпишарлик белгиси ижобий корреляция коэффиценти бошқа кўпгина қимматли хўжалик белгилар билан бирга унчалик юқори эмас. Эҳтимол, бу бошланғич ота-она намуналари турғунлаштирилган генотиплари ва  $F_2$  дурагай популяциянинг ёрқин гетерогенлиги билан боғлиқдир.

## **II. F<sub>1</sub> ДИАЛЛЕЛ ДУРАГАЙЛАРИ ВА НАВЛАРНИ БИР НЕЧА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАР БЎЙИЧА ЎРГАНИШ**

Маълумки, вертициллиёз вилт касаллиги ўрта толали ғўза навлари учун энг зарарли касалликлардан ҳисобланади. Биргина вилт касаллиги билан зарарланиш туфайли 30-40 фоизгача пахта ҳосили камайиши билан биргаликда, бир кўсакдаги пахта вазни, тола чиқими, энг асосийси эса тола сифати пасайиб кетиши мумкин.

Бизнинг тажрибалар ЎзҒСУИТИ тажриба хўжалигидаги кўп йиллар мобайнида ғўза экиб келинаётган ва вилтнинг ҳар хил ирқлари билан табиий кучли зарарланган шароитда (Илова) олиб борилган бўлиб, вилт билан зарарланиши турли вариантларда, яъни: умумий зарарланиш, кучсиз даражада зарарланиш, кучли даражада зарарланиш ва баллар даражасида зарарланиш бўйича ўрганилди.

### **Вилт билан умумий зарарланиш бўйича F<sub>1</sub> диаллел дурагайлари ва навларни ўрганиш**

Вилт билан умумий зарарланганлик бўйича тадқиқотларимизда ушбу навлар ўрганилди: Омад, Наманган-77, Наманган-88, С-4910, Окқўрғон-2, шунингдек, ушбу навларнинг диаллел схемасида жуфт чатиштириш йўли билан олинган 20 та оддий дурагай комбинациялар. Умумий зарарланганлик – бу ўсимликлар қаторида касалланганларнинг фоизлардаги ҳиссасидир. Ушбу хусусиятнинг салбий ифодасини (умумий зарарланганлик) ижобий ҳодиса сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Ўрганилган 20 та оддий дурагайлар ичидан (1-жадвал) ушбу белги бўйича гетерозис 4 та дурагайларда аниқланган.

Умумий зарарланганлик бўйича анча юқори ифода F<sub>1</sub> (Наманган-77 х С-4910), F<sub>1</sub>(Наманган-88 х С-4910), F<sub>1</sub>(С-

4910xОққўрғон-2),  $F_1$ (Оққўрғон-2 x C-4910) каби дурагайлариди бўлди. Вилт билан умумий зарарланганлик бўйича энг ёмон кўрсаткичга ушбу дурагайлар эга бўлди:  $F_1$ (Омад x Наманган-77),  $F_1$ (Омад x Наманган-88),  $F_1$ (Омад x C-4910),  $F_1$ (Наманган-77 x Омад),  $F_1$ (Наманган-77 x Оққўрғон-2),  $F_1$ (Наманган-88 x Омад),  $F_1$ (Наманган-88 x Наманган-77),  $F_1$ (C-4910 x Омад),  $F_1$ (C-4910 x Наманган-77),  $F_1$ (Оққўрғон-2 x Омад),  $F_1$ (Оққўрғон-2 x Наманган-77).

*1-жадвал*

Вилт билан умумий зарарланиши бўйича навлар ва  $F_1$  диаллел дурагайларининг кўрсаткичлари (%) 2001 й.

№	Навлар ва дурагайлар	Такрорлар			Жами	Ўртача
		1	2	3		
1	Омад	80.00	80.00	80.00	240.00	80.00
2	Наманган-77	70.00	80.00	80.00	230.00	76.67
3	Наманган-88	70.00	77.80	80.00	227.80	75.93
4	C-4910	80.00	80.00	80.00	240.00	80.00
5	Оққўрғон-2	70.00	70.00	66.70	206.70	68.90
6	$F_1$ Омад x Наманган-77	75.00	87.50	80.00	242.50	80.83
7	$F_1$ Омад x Наманган-88	77.80	77.80	80.00	235.60	78.53
8	$F_1$ Омад x C-4910	70.00	70.00	80.00	220.00	73.33
9	$F_1$ Омад x Оққўрғон -2	60.00	77.80	66.70	204.50	68.17
10	$F_1$ Наманган-77 x Омад	80.00	80.00	80.00	240.00	80.00
11	$F_1$ Наманган-77 x Наманган-88	66.70	80.00	75.00	221.70	73.90
12	$F_1$ Наманган-77 x C-4910	50.00	87.50	70.00	207.50	69.17
13	$F_1$ Наманган-77 x Оққўрғон -2	60.00	80.00	80.00	220.00	73.33
14	$F_1$ Наманган-88 x Омад	88.80	80.00	70.00	238.80	79.60
15	$F_1$ Наманган-88 x Наманган-77	80.00	80.00	80.00	240.00	80.00
16	$F_1$ Наманган-88 x C-4910	70.00	55.50	70.00	195.50	65.17
17	$F_1$ Наманган-88 x Оққўрғон -2	70.00	70.00	70.00	210.00	70.00
18	$F_1$ C-4910 x Омад	77.80	77.80	70.00	225.00	75.20
19	$F_1$ C-4910 x Наманган-77	80.00	80.00	80.00	240.00	80.00
20	$F_1$ C-4910 x Наманган-88	70.00	70.00	77.80	217.80	72.60
21	$F_1$ C-4910 x Оққўрғон -2	66.70	70.00	50.00	186.70	62.33
22	$F_1$ Оққўрғон -2 x Омад	70.00	70.00	70.00	210.00	70.00
23	$F_1$ Оққўрғон -2 x Наманган-77	70.00	60.00	75.00	205.00	68.33
24	$F_1$ Оққўрғон -2 x Наманган-88	60.00	60.00	70.00	190.00	63.33
25	$F_1$ Оққўрғон -2 x C-4910	50.00	60.00	60.00	170.00	56.67

Вилт билан умумий зарарланиши бўйича Гриффинг диаллел тахлилининг натижалари

	Омад	Наман-77*	Наман-88*	С-4910	Оққўрғ-2*	GI
Омад	80.00	80.83	78.53	73.33	68.16	3.69
Наман-77*	80.00	76.67	73.90	69.17	73.33	3.0140
Наман-88*	79.60	80.00	75.93	65.17	70.00	0.6240
С-4910	75.20	80.00	72.60	80.00	62.33	-1.4393
Оққўрғ-2*	70.00	68.33	63.33	56.67	68.90	-5.8893

$$\text{ЭҚФ } 0.5 = 10.48115 \text{ gi-gj} = 0.86$$

Изох: Наман-77\* - Наманган-77; Наман-88\* - Наманган-88; Оққўрғ-2\* - Оққўрғон-2.

Умумий комбинацион қобилият (УКҚ)нинг анча юқори таъсири Наманган-88, С-4910 ва Оққўрғон -2 навларида аниқланди. УКҚ ва МКҚ турларининг ўзаро алоқаси генотипда аддитив генларнинг устун келиши тўғрисида фикрлашга ундайди (2-жадвал).

Бизнинг тадқиқотларимизда Наманган-88, С-4910 ва Оққўрғон -2 навларида вилт билан умумий зарарланганлик белгиси аддитив генлар билан бошқа навларда эса ноаддитив генлар билан назорат этилади. Шу тариқа, генетик назоратнинг аддитив типига эга УКҚ таъсири бўйича энг яхши навлар бўлиб фоизларда вилтдан умумий зарарланганлик белгиси бўйича С-4910 ва Оққўрғон-2 навлари ҳисобланади.

### Вилт билан кучсиз даражада зарарланганлик бўйича $F_1$ диаллел дурагайлари ва навларни ўрганиш

Вилт билан кучсиз даражада зарарланганлик дейилганда – бу вилтга паст даражада фоизларда (0-2 балл) чалинган ўсимликлар миқдори тушунилади. Вилт билан кучсиз даражада зарарланганлик бўйича ушбу навлар ўрганилди: Омад, Наманган-77, Наманган-88, С-4910 ва Оққўрғон -2. Улар ўзаро диаллел схема бўйича чагиштирилди ва 20 та дурагай комбинациялар олинди.

Тадқиқотларимизда биз бу навларни ва кучсиз даражада вилт билан зарарланганлик бўйича дурагай комбинацияларнинг биринчи авлодини ўргандик. 3 - жадвалда вилт би-

лан кучсиз даражада зарарланганлик бўйича кўрсаткичлар берилган. 100 % дан қолган қисми вилт билан кучли даражада зарарланди, шу туфайли мазкур хусусиятнинг юқори ифодасини ижобий ҳодиса сифатида қараш маъқул бўлади. Ўрганилган 20 та дурагай комбинацияларда мазкур белги бўйича гетерозис 10 та дурагайларда белгиланган.

3-жадвал

Вилт билан кучсиз зарарланиши бўйича навлар ва F<sub>1</sub> диаллел дурагайларининг кўрсаткичлари (%) 2001 й.

№	Навлар ва дурагайлар	Такрорлар			Жами	Ўртача
		1	2	3		
1	Омад	75.00	75.00	75.00	225.00	75.00
2	Наманган-77	85.70	62.50	62.50	210.00	70.23
3	Наманган-88	71.50	71.50	75.00	218.00	72.67
4	С-4910	75.00	75.00	75.00	225.00	75.00
5	Оқкўргон 2	85.70	85.70	83.30	254.70	84.90
6	F <sub>1</sub> Омад х Наманган-77	83.30	85.70	75.00	244.00	81.33
7	F <sub>1</sub> Омад х Наманган-88	85.70	85.70	75.00	246.40	82.13
8	F <sub>1</sub> Омад х С-4910	85.70	85.70	75.00	246.40	82.13
9	F <sub>1</sub> Омад х Оқкўргон -2	83.30	85.70	83.30	252.30	84.10
10	F <sub>1</sub> Наманган-77 х Омад	75.00	75.00	75.00	225.00	75.00
11	F <sub>1</sub> Наманган-77 х Наманган-88	83.30	75.00	83.30	241.60	80.53
12	F <sub>1</sub> Наманган-77 х С-4910	80.00	85.70	85.70	251.40	83.80
13	F <sub>1</sub> Наманган-77 х Оқкўргон -2	83.30	75.00	75.00	233.30	77.77
14	F <sub>1</sub> Наманган-88 х Омад	75.00	75.00	85.70	235.70	78.57
15	F <sub>1</sub> Наманган-88 х Наманган-77	75.00	75.00	75.00	225.00	75.00
16	F <sub>1</sub> Наманган-88 х С-4910	85.70	80.00	85.70	251.40	83.80
17	F <sub>1</sub> Наманган-88 х Оқкўргон -2	85.70	85.70	100.0	271.41	90.47
18	F <sub>1</sub> С-4910 х Омад	85.70	85.70	85.70	257.10	85.70
19	F <sub>1</sub> С-4910 х Наманган-77	75.00	75.00	75.00	225.00	75.00
20	F <sub>1</sub> С-4910 х Наманган-88	85.70	85.70	85.70	257.10	85.70
21	F <sub>1</sub> С-4910 х Оқкўргон -2	83.30	85.70	100.0	269.00	89.67
22	F <sub>1</sub> Оқкўргон -2 х Омад	85.70	85.70	85.70	257.10	85.70
23	F <sub>1</sub> Оқкўргон -2 х Наманган-77	85.70	83.30	83.30	252.30	84.10
24	F <sub>1</sub> Оқкўргон -2 х Наманган-88	83.30	83.30	85.70	252.30	84.10
25	F <sub>1</sub> Оқкўргон -2 х С-4910	80.00	83.30	83.30	246.60	82.20

Вилт билан кучсиз зарарланиши бўйича Гриффинг диаллел тахлидининг  
натижалари

	Омад	Наман-77*	Наман-88*	С-4910	Оққўрг-2*	GI
Омад	75.00	81.33	82.13	82.13	84.10	-0.4813
Наман-77*	75.00	70.23	80.53	83.80	77.67	-3.6480
Наман-88*	78.56	75.00	72.67	83.80	90.47	-0.4667
С-4910	85.70	75.00	85.70	75.00	89.67	0.8520
Оққўрг-2*	85.70	84.10	84.10	82.20	84.80	3.7420

$$\text{ЭКФ } 0.5 = 7.5623 \text{ gi-gj} = 0,19$$

Изох: Наман-77\*- Наманган-77; Наман-88\*- Наманган-88; Оққўрг-2\*- Оққўргон-2.

Ушбу белги бўйича анча юқори ифода  $F_1$  (Омад х Наманган-88),  $F_1$  (Омад х С-4910),  $F_1$  (Омад х Оққўргон-2),  $F_1$  (Наманган-77 х С-4910),  $F_1$  (Наманган-88 х Оққўргон-2),  $F_1$  (С-4910 х Омад),  $F_1$  (С-4910 х Наманган-88),  $F_1$  (С-4910 х Оққўргон-2) дурагайларда бўлган.

Ушбу белги бўйича энг ёмон ифодага қуйидаги дурагайлар эга бўлдилар:  $F_1$  (Наманган-77 х Омад),  $F_1$  (Наманган-77 х Оққўргон-2),  $F_1$  (Наманган-88 х Наманган-77),  $F_1$  (С-4910 х Наманган-77).

УКҚнинг анча юқори таъсири С-4910 ва Оққўргон-2 навларида сезилди. УКҚ таъсири бўйича энг ёмон навлар бўлиб Омад, Наманган-77 ва Наманган-88 саналди.

УКҚ ва махсус комбинацион қобилият (МКК) турларининг ўзаро алоқаси генотипда аддитив генларнинг устун келиши тўғрисида маълумот беради (4-жадвал).

Бизнинг тадқиқотларимизда С-4910 ва Оққўргон-2 навларида вилт билан паст даражада зарарланганлик белгиси аддитив генлар билан бошқа навларда эса ноаддитив генлар билан назорат этилади.

Шу тариқа, генетик назоратнинг аддитив типига эга УКҚ таъсири бўйича энг яхши навлар бўлиб фонизларда вилтдан паст даражада зарарланганлик белгиси бўйича С-4910 ва Оққўргон-2 навлари саналди.

## Кучли даражада вилт билан зарарланиш бўйича $F_1$ диаллел дурагайлари ва навларни ўрганиш

Кучли даражада вилт билан зарарланиш – бу кучли зарарланган ўсимликлар миқдори (3-5 балл), шунингдек, бу паст даражада вилт зарарланганлик бўйича қолган қисмидир. Вилт билан кучли даражада зарарланганлик бўйича (ВБКДЗ) худди ўша нав ва комбинациялар ўрганилди.

5- жадвалда ВБКДЗ бўйича кўрсаткичлар келтирилган. Жадвалда келтирилган ўртача кўрсаткичларнинг қанчалик кам бўлганлиги, шунчалик яхши кўрсаткич ҳисобланади.

Бундай хусусиятнинг салбий ифодасини ижобий тарзда кўриб чиқиш керак бўлади, чунки вилт билан кучли зарарланган ўсимликлар қанча кам бўлса, дурагай комбинация шу қадар яхши ҳисобланади. 20 та дурагай комбинацияни ўрганишда ушбу белги бўйича гетерозис 13 та дурагайларда кузатилди. ВБКДЗ бўйича анча юқори ифода ушбу дурагайларда учради:  $F_1$  (Омад х С-4910),  $F_1$  (Омад х Оққўрғон -2),  $F_1$  (Наманган-77 х Наманган-88),  $F_1$  (Наманган-77 х С-4910),  $F_1$  (Наманган-88 х Оққўрғон -2),  $F_1$  (С-4910 х Наманган-88),  $F_1$  (С-4910 х Оққўрғон -2),  $F_1$  (Оққўрғон -2 х Омад),  $F_1$  (Оққўрғон -2 х Наманган-77),  $F_1$  (Оққўрғон -2 х Наманган-88). ВБКДЗ бўйича энг ёмон ифодага куйидаги дурагайлар эга бўлди:  $F_1$  (Наманган-77 х Омад),  $F_1$  (Наманган-77 х Оққўрғон -2),  $F_1$  (Наманган-88 х Наманган-77),  $F_1$  (С-4910 х Наманган-77).

УКҚнинг анча юқори таъсири С-4910, Оққўрғон -2 навларида топилди. ВБКДЗ тадқиқотларимизда С-4910 ва Оққўрғон -2 каби навларда бу белги аддитив генлар билан, қолганларида ноаддитив генлар билан назорат қилинади (6-жадвал).

Шу тариқа, генетик назоратнинг аддитив типига эга УКҚ таъсири бўйича энг яхши навлар бўлиб фоизларда вилтдан умумий зарарланганлик белгиси бўйича С-4910 ва Оққўрғон-2 навлари саналди.

## 5-жадвал

Вилт билан кучли зарарланиши бўйича навлар ва F<sub>1</sub> диаллел дурагайларининг кўрсаткичлари (%) 2001 й.

№	Навлар ва дурагайлар	Такрорлар			Жами	Ўртача
		1	2	3		
1	Омад	25.00	25.00	25.00	75.00	25.00
2	Наманган-77	14.30	37.50	37.50	89.30	29.77
3	Наманган-88	28.50	28.50	25.00	82.00	27.33
4	С-4910	25.00	25.00	25.00	75.00	25.00
5	Оккўргон -2	14.30	14.30	16.70	45.30	15.10
6	F <sub>1</sub> Омад х Наманган-77	16.70	14.30	25.00	56.00	18.67
7	F <sub>1</sub> Омад х Наманган-88	14.30	14.30	25.00	53.60	17.87
8	F <sub>1</sub> Омад х С-4910	14.30	14.30	25.00	53.60	17.87
9	F <sub>1</sub> Омад х Оккўргон -2	16.70	14.30	16.70	47.70	15.90
10	F <sub>1</sub> Наманган-77 х Омад	25.00	25.00	25.00	75.00	25.00
11	F <sub>1</sub> Наманган-77 х Наманган-88	16.70	25.00	16.70	58.40	19.47
12	F <sub>1</sub> Наманган-77 х С-4910	20.00	14.30	14.30	48.60	16.20
13	F <sub>1</sub> Наманган-77 х Оккўргон -2	16.70	25.00	25.00	66.70	22.23
14	F <sub>1</sub> Наманган-88 х Омад	25.00	25.00	14.30	64.30	21.43
15	F <sub>1</sub> Наманган-88 х Наманган-77	25.00	25.00	25.00	75.00	25.00
16	F <sub>1</sub> Наманган-88 х С-4910	14.30	20.00	14.30	48.60	16.20
17	F <sub>1</sub> Наманган-88 х Оккўргон -2	14.30	14.30	0.00	28.60	9.53
18	F <sub>1</sub> С-4910 х Омад	14.30	14.30	14.30	42.90	14.30
19	F <sub>1</sub> С-4910 х Наманган-77	25.00	25.00	25.00	75.00	25.00
20	F <sub>1</sub> С-4910 х Наманган-88	14.30	14.30	14.30	42.90	14.30
21	F <sub>1</sub> С-4910 х Оккўргон -2	16.70	14.30	0.00	31.00	10.33
22	F <sub>1</sub> Оккўргон -2 х Омад	14.30	14.30	14.30	42.90	14.30
23	F <sub>1</sub> Оккўргон -2 х Наманган-77	14.30	16.70	16.70	47.70	15.90
24	F <sub>1</sub> Оккўргон -2 х Наманган-88	16.70	16.70	14.30	47.70	15.90
25	F <sub>1</sub> Оккўргон -2 х С-4910	20.00	16.70	16.70	53.40	17.80

## 6-жадвал

Вилт билан кучли зарарланиши бўйича Гриффинг диаллел тахлилининг натижалари

	Омад	Наман-77*	Наман-88*	С-4910	Оккўрг-2*	GI
Омад	25.00	18.66	17.86	17.86	15.90	0.1585
Наман-77*	25.00	29.76	19.47	16.20	22.23	3.6832
Наман-88*	21.43	25.00	27.33	16.20	9.53	0.4199
С-4910	14.30	25.00	14.30	25.00	10.33	-0.8148
Оккўрг -2*	14.30	15.90	15.90	17.80	15.10	-3.8068

$$\text{ЭКФ } 0.5 = 7.460497 \text{ gi} - \text{gi} = 0,26$$

Изоҳ: Наман-77\*- Наманган-77; Наман-88\*- Наманган-88; Оккўрг -2\*- Оккўргон -2

## **Вилт билан балл даражасида зарарланганлик бўйича F<sub>1</sub> диаллел дурагайлари ва навларини ўрганиш**

Вилт билан зарарланишни балл даражаларда аниқлашда 1974 йилда қабул қилинган П.В.Попов, Д.Г.Минько, В.И.Попов услубидан фойдаланилди, яъни бунда баҳолаш қуйидаги тарзда олиб борилди:

0 - балл – ўсимликда вилтнинг ҳеч қандай аломатлари кўринмайди (яъни, соғлом).

1 - балл – ўсимликнинг айрим барглари сарғайган ёки сарғиш доғлар пайдо бўлган.

2 - балл – ўсимликдаги 50 фоиздан ортиқ барглар сарғайган ёки сарғиш доғлар пайдо бўлган.

3 - балл – ўсимликнинг барча барглари сарғайган 50 фоизга яқин барглар тўкилган.

4 - балл – ўсимликдаги барглар қуриб тўкилган аммо ҳосил элементларида шикастланишлар кузатилмайди.

5 - балл – ўсимлик тўлик қуриган, 2-5 та бужмайган тўлик етилмаган кўсақлар учрайди.

0 – баллик ўсимликларни табиийки соғлом ўсимликлар сифатида қабул қилиш мумкин, бир - икки балл даражасида зарарланган ўсимликларни вилт билан кучсиз даражадаги зарарланган ўсимликлар сифатида, уч балл билан зарарланган ўсимликларни вилт билан ўрта даражада зарарланганлик ва тўрт-беш балл билан зарарланган ўсимликларни вилт билан кучли зарарланган ўсимликлар тоифасига киритиш мумкин.

7-жадвалда ВББДЗ бўйича кўрсаткичлар келтирилган. Бундай хусусиятнинг салбий ифодасини ижобий тарзда кўриб чиқиш керак бўлади, чунки вилт билан кучли зарарланган ўсимликлар қанча кам бўлса, дурагай комбинация шу қадар яхши ҳисобланади. 20 та дурагай комбинацияни ўрганишдан ушбу белги бўйича гетерозис 10 та дурагайларда аниқланди.

УКҚнинг анча юқори таъсири С-4910, Оққўрғон-2 навларида кўрилди. ВББДЗ бўйича тадқиқотларимизда С-4910 ва Оққўрғон-2 каби навларда бу белги аддитив генлар билан, қолганларида эса ноаддитив генлар билан назорат қилинади (8-жадвал).

Вилт билан бялл даражасида зарарланиш бўйича навлар ва F, диаллел дурагайларнинг кўрсаткичлари 2001 й.

№	Навлар ва дурагайлар	Такрорлар			Жами	Ўртача
		1	2	3		
1	Омад	2.50	2.90	3.00	8.4	2.8
2	Наманган-77	2.30	3.40	3.50	9.20	3.07
3	Наманган-88	2.60	2.40	2.50	7.50	2.50
4	C-4910	2.40	2.70	2.40	7.50	2.50
5	Оққўргон -2	2.00	2.10	1.90	6.00	2.00
6	F, Омад х Наманган-77	2.20	2.80	2.20	7.20	2.40
7	F, Омад х Наманган-88	1.60	2.30	2.20	6.10	2.03
8	F, Омад х C-4910	1.40	2.00	2.00	5.40	1.80
9	F, Омад х Оққўргон -2	1.50	1.60	1.70	4.80	1.60
10	F, Наманган-77 х Омад	2.60	2.90	2.40	7.90	2.63
11	F, Наманган-77 х Наманган-88	2.60	2.70	1.90	7.20	2.40
12	F, Наманган-77 х C-4910	2.40	2.30	2.10	6.80	2.27
13	F, Наманган-77 х Оққўргон -2	1.80	2.00	1.90	5.70	1.90
14	F, Наманган-88 х Омад	2.20	2.50	2.30	7.00	2.33
15	F, Наманган-88 х Наманган-77	2.40	2.60	2.40	7.40	2.47
16	F, Наманган-88 х C-4910	1.90	1.60	1.90	5.40	1.80
17	F, Наманган-88 х Оққўргон -2	1.30	1.60	1.40	4.30	1.43
18	F, C-4910 х Омад	2.30	2.60	2.30	7.20	2.40
19	F, C-4910 х Наманган-77	2.70	2.60	2.50	7.80	2.60
20	F, C-4910 х Наманган-88	1.90	1.60	1.90	5.40	1.80
21	F, C-4910 х Оққўргон -2	1.50	1.70	1.00	4.20	1.40
22	F, Оққўргон -2 х Омад	2.10	1.80	2.10	6.00	2.00
23	F, Оққўргон -2 х Наманган-77	1.90	1.70	2.10	5.70	1.90
24	F, Оққўргон -2 х Наманган-88	1.50	1.30	1.90	4.70	1.57
25	F, Оққўргон -2 х C-4910	1.40	1.30	1.30	4.00	1.33

## 8-жадвал

Вилт билан балл даражасида зарарланиш бўйича Гриффинг диаллел тахлилининг натижалари

	Омад	Наман-77*	Наман-88*	C-4910	Оққўрг-2*	GI
Омад	2.8	2.40	2.03	1.80	1.60	1.6027
Наман-77*	2.63	3.06	2.40	2.26	1.90	-0.7640
Наман-88*	2.33	2.46	2.50	1.80	1.43	-0.3940
C-4910	2.40	2.60	1.80	2.50	1.40	-0.4373
Оққўрг-2*	2.00	1.90	1.56	1.33	2.00	-0.0073

$$\text{ЭКФ } 0.5 = 4.943208 \text{ gi} - \text{gj} = 0.02$$

Изоҳ: Наман-77\* - Наманган-77; Наман-88\* - Наманган-88; Оққўрг-2\* - Оққўргон -2.

Шу тариқа, генетик назоратнинг аддитив типига эга УКК

таъсири бўйича энг яхши навлар бўлиб вилт билан балл даражасида зарарланганлик белгиси бўйича С-4910 ва Окқўрғон-2 навлари саналди.

УКҚнинг анча юқори таъсири Окқўрғон -2 навида бўлди, УКҚ таъсири бўйича энг ёмон нав Омад, Наманган-77 ва Наманган 78 навлари бўлиб чиқди. УКҚ ва МКҚ вариантлари ўзаро алоқаси бўйича генотипда аддитив ёки ноаддитив генларнинг устунлик қилиши маълум бўлди.

Тадқиқотларимизда, генетик назоратнинг аддитив типига эга УКҚ таъсири бўйича энг яхши навлар бўлиб фонизларда вилт билан балл даражада зарарланганлик белгиси бўйича барча навларда (Омад навидан ташқари) вилтга чидамлик белгиси аддитив полигенлар билан турли даражада назорат қилинади.

### **Вегетация даври узунлиги бўйича $F_1$ диаллел дурагайлар ва навларни ўрганиш**

Маълумки, ғўзанинг тезпишар нави ўрта ва кеч пишадиган навларига нисбатан катта афзалликка эга бўлади. Тезпишар нав аёзга қадар йиғиб олишнинг юқори улуши, толанинг сифатини сақлаб қолиш, шунингдек, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш имкониятларини кенгайтиради.

9-жадвалда вегетация даври узунлиги (ВДУ) бўйича кўрсаткичлар келтирилган. Бундай хусусиятнинг салбий ифодасини ижобий тарзда кўриб чиқиш керак бўлади, чунки вегетация даври узун ўсимликлар қанча кам бўлса, дурагай комбинациялар шу қадар яхши ҳисобланади.

20 та дурагай комбинацияни ўрганишдан ушбу белги бўйича гетерозис 9 та дурагайларда белгиланди. ВДУ бўйича анча юқори кўрсаткич ушбу дурагайларда учради: (Омад х Наманган-77),  $F_1$ (Омад х С-4910),  $F_1$ (Омад х Окқўрғон -2),  $F_1$ (Наманган-77 х Омад),  $F_1$ (Наманган-77 х Окқўрғон -2),  $F_1$ (Наманган-88 х Омад),  $F_1$ (С-4910 х Омад),  $F_1$ (С-4910 х Наманган-77). ВДУ бўйича энг ёмон ифодага эга дурагайлар:  $F_1$ (Наманган-77 х Наманган-88),  $F_1$ (Наманган-77 х С-4910),  $F_1$ (Наманган-88 х С-4910),  $F_1$ (Наманган-88 х Окқўрғон -2),  $F_1$ (С-4910 х Наманган-88),  $F_1$ (С-4910 х Окқўрғон -2),  $F_1$

(Оққўргон -2 х Омад),  $F_1$  (Оққўргон -2 х Наманган-77),  $F_1$  (Оққўргон -2 х Наманган-88),  $F_1$  (Оққўргон -2 х С-4910). Баъзи жуфт дурагайлар ўта тезпишарлиги билан ниҳоятда ажралиб турди, яъни Наманган-77, С-4910 ва Наманган-88 каби навларни она шакллари сифатида қўлланилганда дурагай авлодларда ВДУ кўрсаткичи бирданига ошди.

Тадқиқотларимизда анча юқори таъсирга Омад ва Наманган -77 навлари эга бўлди. УҚҚ таъсири бўйича энг ёмон нав бўлиб С-4910, Оққўргон -2 навлари саналди (10-жадвал).

9-жадвал

Вегетация даври бўйича навлар ва  $F_1$  диаллел дурагайларнинг кўрсаткичлари (кун) 2001 й.

№	Навлар ва дурагайлар	Такрорлар			Жами	Ўртача
		1	2	3		
1	Омад	118.00	118.00	121.00	357.00	119.00
2	Наманган-77	120.00	123.00	123.00	366.00	122.00
3	Наманган-88	123.00	130.00	122.00	375.00	125.00
4	С-4910	130.00	134.00	129.00	393.00	131.00
5	Оққўргон -2	132.00	137.00	130.00	399.00	133.00
6	$F_1$ Омад х Наманган-77	113.00	117.00	115.00	345.00	115.00
7	$F_1$ Омад х Наманган-88	119.00	118.00	117.00	354.00	118.00
8	$F_1$ Омад х С-4910	118.00	125.00	120.00	360.00	121.00
9	$F_1$ Омад х Оққўргон -2	121.00	125.00	120.00	366.00	122.00
10	$F_1$ Наманган-77 х Омад	115.00	114.00	119.00	348.00	116.00
11	$F_1$ Наманган-77 х Наман-88	120.00	127.00	122.00	369.00	127.00
12	$F_1$ Наманган-77 х С-4910	125.00	130.00	123.00	378.00	126.00
13	$F_1$ Наманган-77 х Оққўр -2	120.00	123.00	123.00	366.00	122.00
14	$F_1$ Наманган-88 х Омад	122.00	127.00	120.00	369.00	123.00
15	$F_1$ Наманган-88 х Наман-77	121.00	128.00	123.00	372.00	124.00
16	$F_1$ Наманган-88 х С-4910	123.00	126.00	126.00	375.00	125.00
17	$F_1$ Наман-88 х Оққўргон -2	124.00	131.00	126.00	381.00	127.00
18	$F_1$ С-4910 х Омад	119.00	123.00	118.00	360.00	120.00
19	$F_1$ С-4910 х Наманган-77	120.00	125.00	124.00	369.00	123.00
20	$F_1$ С-4910 х Наманган-88	123.00	130.00	125.00	378.00	126.00
21	$F_1$ С-4910 х Оққўргон -2	126.00	131.00	127.00	384.00	128.00
22	$F_1$ Оққўргон -2 х Омад	126.00	130.00	128.00	384.00	128.00
23	$F_1$ Оққўргон -2 х Наман-77	128.00	129.00	130.00	387.00	129.00
24	$F_1$ Оққўргон -2 х Наман-88	127.00	134.00	129.00	390.00	130.00
25	$F_1$ Оққўргон -2 х С-4910	130.00	134.00	129.00	393.00	131.00

## Вегетация даври бўйича Гриффинг диаллел таҳлилининг натижалари

	Омад	Наман-77*	Наман-88*	С-4910	Оққўрғ-2*	GI
Омад	119.00	115.00	118.00	121.00	122.00	-4.1800
Наман-77*	116.00	122.00	123.00	126.00	122.00	-2.0800
Наман-88*	123.00	124.00	125.00	125.00	127.00	0.3200
С-4910	120.00	123.00	126.00	131.00	128.00	1.9200
Оққўрғ-2*	128.00	129.00	130.00	131.00	133.00	4.0200

$$\text{ЭКФ } 0.5 = 2.937409 \text{ gi} - \text{gj} = 0.33$$

Изоҳ: Наман-77\* - Наманган-77; Наман-88\* - Наманган-88; Оққўрғ-2\* - Оққўрғон -2.

УКҚ ва МКҚ вариантлари ўзаро алоқаси бўйича генотипда аддитив генларнинг устуңлиги кўрилади. Тадқиқотларимизда Омад, Наманган-77, Наманган-88 каби навларда ВДУ аддитив генлар билан, қолганларида ноаддитив генлар билан назорат қилинади.

Тадқиқотларимизда, вегетация даври узунлиги белгиси бўйича генетик назоратнинг аддитив типига эга УКҚ таъсири бўйича Омад, Наманган-77 ва Наманган-88 навлари энг яхши навлар ҳисобланди.

### Ўсимликларда бош поя баландлиги бўйича $F_1$ диаллел дурагайлар ва навларни ўрганиш

Асосий поянинг баландлиги маълум даражада симподиал шохлар сони ва ўсимликнинг бунга мувофиқ маҳсулдорлигини аниқловчи ғўзанинг асосий морфологик белгиларидан бири бўлиб саналади. Ўсимлик баландлиги ва тезпишарлиги ўртасидаги мавжуд бўлган салбий корреляция аниқланмаган, чунки бу белгилар бири-бирдан мустақил равишда ирсийланади.

11 - жадвалда ўсимлик баландлиги бўйича кўрсаткичлар келтирилган. 20 та дурагайли комбинацияни ўрганишдан ушбу белги бўйича 9 та дурагай комбинацияда гетерозис аниқланди.

Ўсимликларда бош поя баландлиги бўйича анча юқори кўрсаткич ушбу дурагайларда учради:  $F_1$  (Наманган-77 x Наманган-88),  $F_1$  (Наманган-88 x С-4910),  $F_1$  (Наманган-88 x

Оққўрғон -2),  $F_1$  (С-4910 х Наманган-77),  $F_1$  (С-4910 х Наманган-88),  $F_1$  (С-4910 х Оққўрғон -2),  $F_1$  (Оққўрғон -2 х Наманган-77),  $F_1$  (Оққўрғон -2 х Наманган-88),  $F_1$  (Оққўрғон -2 х С-4910).

Барча бу дурагай комбинацияларда ўсимликлар баландлиги ўртача кўрсаткич бўйича 105 смдан ортиқ бўлди. Ўсимликлар баландлиги бўйича ёмон ифодали дурагайлар куйидагилар ҳисобланди:  $F_1$  (Омад х Наманган-77),  $F_1$  (Омад х Наманган-88),  $F_1$  (Омад х С-4910),  $F_1$  (Омад х Оққўрғон -2),  $F_1$

### 11-жадвал

Ўсимликлар бўйи бўйича навлар ва  $F_1$  диаллел дурагайларнинг кўрсаткичлари (см) 2001 й.

№	Навлар ва дурагайлар	Такрорлар			Жами	Ўртача
		1	2	3		
1	Омад	78,3	81,4	88,6	248,3	82,76
2	Наманган-77	101,3	101,8	102,8	305,9	101,9
3	Наманган-88	100,4	101,1	100,3	301,8	100,6
4	С-4910	107,7	108,6	107,6	323,9	107,9
5	Оққўрғон -2	105,4	109,1	106,7	321,2	107,1
6	$F_1$ Омад х Наманган-77	82,2	100,1	99,1	281,4	93,8
7	$F_1$ Омад х Наманган-88	100,7	98,2	97,4	296,3	98,7
8	$F_1$ Омад х С-4910	97,5	98,7	98,6	294,8	98,3
9	$F_1$ Омад х Оққўрғон -2	98,8	99,3	100,6	298,7	99,5
10	$F_1$ Наманган-77 х Омад	104,3	103,0	106,4	313,7	104,5
11	$F_1$ Наманган-77 х Наманган-88	105,7	108,8	108,5	323,0	107,6
12	$F_1$ Наманган-77 х С-4910	101,6	105,6	107,1	314,3	104,7
13	$F_1$ Наманган-77 х Оққўрғон -2	98,7	102,0	109,9	310,6	103,5
14	$F_1$ Наманган-88 х Омад	92,5	92,8	101,0	286,3	95,4
15	$F_1$ Наманган-88 х Наманган-77	97,9	104,8	103,3	306,0	102,0
16	$F_1$ Наманган-88 х С-4910	106,4	103,4	106,3	316,1	105,3
17	$F_1$ Наманган-88 х Оққўрғон -2	103,9	110,1	114,1	328,1	109,3
18	$F_1$ С-4910 х Омад	101,0	95,8	107,1	303,9	101,3
19	$F_1$ С-4910 х Наманган-77	111,8	110,3	110,0	332,1	110,7
20	$F_1$ С-4910 х Наманган-88	106,6	105,8	108,4	320,8	106,9
21	$F_1$ С-4910 х Оққўрғон -2	107,6	109,3	106,4	323,3	107,7
22	$F_1$ Оққўрғон -2 х Омад	94,3	95,8	101,0	291,1	97,0
23	$F_1$ Оққўрғон -2 х Наманган-77	105,2	110,4	104,5	320,1	106,7
24	$F_1$ Оққўрғон -2 х Наманган-88	109,4	110,1	108,8	328,3	109,4
25	$F_1$ Оққўрғон -2 х С-4910	111,4	112,1	109,8	333,3	111,1

## Ўсимликлар бўйи бўйича Гриффинг диаллел таҳлиlining натижалари

	Омад	Наман-77*	Наман-88*	С-4910	Оққўрғ-2*	GI
Омад	82,76	93,80	98,76	98,26	99,56	-7,54
Наман-77*	104,56	101,96	107,66	104,76	103,53	0,79
Наман-88*	95,43	102,00	100,56	105,36	109,36	0,63
С-4910	101,30	110,70	106,93	107,96	107,76	3,23
Оққўрғ-2*	97,03	106,70	109,43	111,10	107,06	2,88

$$HCP 0,5 = 2,589151 \text{ gi} - \text{gj} = 0,41$$

Изох: Наман-77\* - Наманган-77; Наман-88\* - Наманган-88; Оққўрғ-2\* - Оққўрғон-2.

(Наманган-88 x Омад),  $F_1$  (Оққўрғон -2 x Омад). Омад навининг паст бўйлигини ҳисобга олиб, барча дурагай комбинацияларда она шаклида ушбу нав қўлланилган жойда аксарият ўсимликлар паст бўйли бўлиб чиқди.

Дисперсион таҳлил вариантлар ўртасида аниқликни кўрсатди, бу эса бизга УҚҚ таъсирини аниқлашга имкон берди (12-жадвал).

УҚҚнинг анча юқори таъсири С-4910, Оққўрғон -2 ва Наманган-77 навларида сезилди. УҚҚ таъсири бўйича энг ёмон нав Омад нави ҳисобланди. УҚҚ ва МКҚ вариантлари ўзаро алоқаси бўйича генотипда аддитив генларнинг устунлиги кузатилди. Ўсимлик баландлиги бўйича тадқиқотларимизда С-4910 ва Оққўрғон -2 каби навларда бу белги аддитив генлар билан қолганларида ноаддитив генлар билан назорат қилинади.

Шу тарика, ўсимлик бўйи бўйича генетик назоратнинг аддитив типига эга УҚҚ таъсири бўйича энг яхши навлар деб, С-4910 ва Оққўрғон-2 навлари саналди.

### Симподиал шоҳлар сони бўйича $F_1$ диаллел дурагайлар ва навларни ўрганиш

Симподиал шоҳлар сони ғўзанинг ҳосилдорлиги ва маҳсулдорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Тадқиқотларимизда ҳар бир ўсимликда симподиал шоҳларнинг сони ҳисоблаб чиқилди.

13-жадвалда симподиал шоҳлар сони бўйича кўрсаткичлар келтирилган. Биз томонимиздан ўрганилган 20 та дурагайлар ичидан ушбу белги бўйича 9 та дурагайда гетерозис аниқланди.

Симподиал шохлар сони бўйича анча юқори кўрсаткич куйидаги дурагайларда мавжуд бўлди:  $F_1$ (Омад х Оккўрғон-2),  $F_1$ (Наманган-77 х Наманган-88),  $F_1$ (Наманган-77 х Оккўрғон-2),  $F_1$ (Наманган-88 х Оккўрғон-2),  $F_1$ (С-4910 х Наманган-77),  $F_1$ (С-4910 х Оккўрғон-2),  $F_1$ (Оккўрғон-2 х Наманган-77),  $F_1$ (Оккўрғон -2 х Наманган-88),  $F_1$ (Оккўрғон -2 х С-4910).

### 13 -жадвал

Симподиал шохлар бўйича навлар ва  $F_1$  диаллел дурагайларнинг кўрсаткичлари (дона) 2001 й.

№	Навлар ва дурагайлар	Такрорлар			Жами	Ўртача
		1	2	3		
1	Омад	8.20	10.60	9.80	28.60	9.53
2	Наманган-77	11.90	11.80	11.90	35.60	11.87
3	Наманган-88	12.40	10.50	12.20	35.10	11.70
4	С-4910	13.40	12.70	12.90	39.00	13.00
5	Оккўрғон-2	11.20	12.80	12.70	36.70	12.23
6	$F_1$ Омад х Наманган-77	8.60	10.60	10.70	29.90	9.97
7	$F_1$ Омад х Наманган-88	11.30	13.70	13.50	38.50	12.83
8	$F_1$ Омад х С-4910	10.70	15.10	12.10	37.90	12.63
9	$F_1$ Омад х Оккўрғон-2	10.30	15.20	14.40	39.90	13.30
10	$F_1$ Наманган-77 х Омад	12.70	11.70	12.30	36.70	12.23
11	$F_1$ Наманган-77 х Наманган-88	13.30	11.80	15.60	40.70	13.57
12	$F_1$ Наманган-77 х С-4910	10.40	15.60	12.00	38.00	12.67
13	$F_1$ Наманган-77 х Оккўрғон-2	13.40	14.70	15.10	43.20	14.40
14	$F_1$ Наманган-88 х Омад	12.20	9.70	12.00	33.90	11.30
15	$F_1$ Наманган-88 х Наманган-77	11.60	12.60	14.20	38.40	12.80
16	$F_1$ Наманган-88 х С-4910	11.20	11.80	11.30	34.30	11.43
17	$F_1$ Наманган-88 х Оккўрғон-2	12.90	12.70	15.60	41.20	13.73
18	$F_1$ С-4910 х Омад	12.20	9.70	12.00	33.90	11.30
19	$F_1$ С-4910 х Наманган-77	15.40	12.70	13.70	41.80	13.93
20	$F_1$ С-4910 х Наманган-88	14.40	11.90	11.60	37.90	12.63
21	$F_1$ С-4910 х Оккўрғон-2	13.20	13.50	14.60	41.30	13.77
22	$F_1$ Оккўрғон-2 х Омад	10.70	15.10	12.10	37.90	12.63
23	$F_1$ Оккўрғон-2 х Наманган-77	13.60	15.10	13.60	42.30	14.10
24	$F_1$ Оккўрғон-2 х Наманган-88	12.60	15.10	12.00	39.70	13.23
25	$F_1$ Оккўрғон-2 х С-4910	12.00	14.70	14.80	41.50	13.83

## Симподиал шохлар бўйича Гриффинг диаллел таҳлилининг натижалари

	Омад	Наман-77*	Наман-88*	С-4910	Оққўрг-2*	G1
Омад	9.53	9.67	12.83	12.63	13.30	-1.058
Наман-77*	12.23	11.87	13.56	12.66	14.40	0.1547
Наман-88*	11.30	12.80	11.70	11.43	13.73	-0.092
С-4910	11.30	13.93	12.63	13.00	13.76	0.2347
Оққўрг-2*	12.63	14.10	13.23	13.83	12.23	0.7613

$$\text{ЭФ } 0.5 = 2.207806 \text{ gi} - \text{gj} = 0,12$$

Изоҳ: Наман-77\* - Наманган-77; Наман-88\* - Наманган-88; Оққўрг-2\* - Оққўргон-2.

Шуни таъкидлаш жоизки, симподияларнинг катта миқдори баланд бўйли ўсимликларда аниқланди. Симподияларнинг сони бўйича энг ёмон ифодага куйидаги дурагайлар эга бўлди: Омад нави иштирокидаги барча комбинациялар Омад ( $F_1$ (Омад х Оққўргон-2)дан ташқари), шунингдек  $F_1$  (Наманган-77 х С-4910),  $F_1$  (Наманган-88 х Наманган-77),  $F_1$  (Наманган-88 х С-4910),  $F_1$  (Наманган-88 х С-4910)  $F_1$  (С-4910 х Наманган-88) комбинациялари.

УКҚнинг анча юқори таъсири Наманган-77, С-4910 ва Оққўргон -2 (14-жадвал) навларида кўрилди. УКҚ таъсири бўйича энг ёмон нав Омад ва Наманган-88 навлари ҳисобланди. Симподиал шохлар сони бўйича тадқиқотларимизда Наманган-77, С-4910 ва Оққўргон -2 каби навларда бу белги аддитив генлар билан, қолганларида ноаддитив генлар билан назорат қилинади.

Шу тариқа, генетик назоратнинг аддитив типига эга УКҚ таъсири бўйича Наманган-77, С-4910 ва Оққўргон-2 навлари бўлиб чиқди.

### Кўсақлар сони бўйича $F_1$ диаллел дурагайлар ва навларни ўрганиш

Ўсимликдаги кўсақлар сони ўсимлик маҳсулдорлигининг асосий таркибий қисмларидан саналади. Маълумки йириклик эмас, балки кўсақ сони ғўза ҳосилдорлигини белгилаши исботланган. Бу белги тезпишарлик билан узвий боғланган, агарда кўсақлар сони ҳосилдорликни назарий жиҳатдан белгиласа, у ҳолда очилувчи кўсақлар реал ҳосилдорликни белгилайди. 15-жадвалда кўсақлар сони бўйича кўрсаткичлар келтирилган.

Биз томонимиздан ўрганилган 20 та дурагайлар ичидан ушбу белги бўйича гетерозис 8 та дурагайда белгиланган. Кўсақлар сони бўйича анча юқори кўрсаткич ушбу дурагайларда мавжуд бўлди.

$F_1$  (Наманган-77 x C-4910),  $F_1$  (Наманган-77 x Оққўрғон -2),  $F_1$  (Наманган-88 x Оққўрғон -2),  $F_1$  (C-4910 x Наманган-77) ва она шаклида қўлланилган Оққўрғон -2 нави иштирокидаги барча дурагай комбинациялари. Кўсақлар сони бўйича энг ёмон ифодага эга бўлган дурагайлар: Омад нави иштирокидаги комбинациялар Омад ( $F_1$ (Оққўрғон -2 x Омад )  $F_1$  (Наманган-77 x Наманган 88  $F_1$  (C-4910 x Оққўрғон -2).

15-жадвал

Кўсақлар сони бўйича навлар ва  $F_1$  диаллел дурагайларнинг кўрсаткичлари (дона) 2001 й.

№	Навлар ва дурагайлар	Такрорлар			Жами	Ўртача
		1	2	3		
1	Омад	10.50	13.20	13.70	37.40	12.47
2	Наманган-77	15.40	15.90	15.40	46.70	15.57
3	Наманган-88	15.50	15.10	15.20	45.80	15.27
4	C-4910	15.80	16.50	16.00	48.30	16.10
5	Оққўрғон-2	14.70	15.30	17.30	47.30	15.77
6	$F_1$ Омад x Наманган-77	17.80	15.50	16.10	49.40	16.47
